



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil  
4-mart  
chorshanba  
№ 9 (1487)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига улкан эҳтиром кўрсатиш, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадида куйидагилар мукофотлансин:

**“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони билан**  
Бобомуродова Хосият — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**“Меҳнат шухрати” ордени билан**  
Кариева Бернара Рахимовна — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси профессори  
Тошова Мойра Набиевна — Бухоро шаҳридаги “Шайхул Олам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти  
Тошпулатова Клара Бекпулатовна — Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг техник бўлими стандартлаш бўйича етакчи муҳандис-технолог, Қашқадарё вилояти  
Халикова Муқаддас Шамасудовна — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси

**“Дўстлик” ордени билан**  
Абдрасулиева Жужимгул Матковна — Чимбой туманидаги “Гужимли” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси  
Алиева Зафара Жумабаевна — Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг амалий санъат ашёлари бўйича эксперти  
Ахмеджанова Насиба Муратовна — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзтемирйўл-маштаъмир” акциядорлик жамияти электр машина цехи изоляция устаси  
Ахмедова Зарифа Нишоневна — Шароф Рашидов туманидаги “Зомин асали” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти  
Бакиева Нарзинисо Мирзоевна — Бекобод туманидаги “Боқиева Назира” фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти  
Бердиева Барно Саитназаровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси  
Бобаназарова Жамила Холмуродовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси  
Брюховецкая Надежда Васильевна — “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг технология бўлими бошлиғи  
Даминова Муҳаббат Жабборовна — Сарийосён туманидаги “Орзу Даминзода” фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

(Давоми 2-саҳифада.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу оруз-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтисодий, муҳим ғоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга урناк бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, юртимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурдаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида

совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирага базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси F.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2026 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2026 йил 3 мартдаги ПҚ-76-сон қарорига илова

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Сатниязова Индира Қанияз қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)  
Эрмитаева Дилноза Нурулла қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич магистранти (Қорақалпоғистон Республикаси)  
Умурзоқова Мохларой Мухторжон қизи — Андижон

давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)  
Абдуқаҳорова Муслимахон Мирзабахром қизи — Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

(Давоми 2-саҳифада.)

### ШУКУҲ

## БАҲОР ТИНЧЛИК ҚЎШИҒИНИ КУЙЛАЙДИ

Баҳор. У кучоғида яшил гиламларини келтирди. Она заминда яна кўм-кўк майсалар бош кўтариб чиқмоқда. Ҳадемай Наврўз байрамини нишонлаймиз. Кўнгиллар шодланар баҳор нафасидан, кўк-лам ҳавосидан!

Ҳа, муборак кунлар тароватида баҳор кириб келди! Кўкломойнинг қўлларига яшил байроқлар. Яшиллик — тинчлик рамзи, бахт рамзи, орзулар бардавомлиги тимсоли! Тоғларнинг бағридан тушаётган зилол сувлар янада тиникроқ, жаранги-роқ шарқирамоқда. Еллар гўё чапак чалмоқда, дарактларнинг шоҳларини майинмайин силаб уйғотмоқда. “Тур-эй, мен келдим! Мен келдим. Уйғон! Уйғон! Барг чиқар, шовилгин! Оламни яшилликка бурка!” деяётгандек.

Баҳор, хуш келдинг!

Она табият Ўзи хоҳлаган ерга ўз сепини ёйишга шовилмоқда. Ҳатто энг қаровсиз, энг чекка жойлар устида ҳам гулларни ундиришга ҳаракат қилмоқда. Чунки бу яшариш дегани, ҳаётга интилиш, янги кунга монанд орзуларни ўстириш, улуглаш деганидир... Чунки Унинг мақсади — она ер кулга эмас, гулга буркансин. Бутун борлиқ тириклик, яшариш ва янгилиниш салтанатининг давом этишини хоҳлаяпти...

Дошқозонларда сумалаклар қайнаётди. Сумалак — етти малакнинг таоми. Ривоят қилишларича, онаизор оч қолган болаларига таом пишираман деб қозонга сув ва бир ҳовуч буғдой билан тош солиб қайнатаверган, қайнатаверган... Уйку устунлик қилиб ухлаб қолган. Ва тонг маҳали қозонни очиб қараски, дунёнинг энг ажиб ва энг ширин нәм-



мати — сумалак тайёр бўлибди. Сумалакни етти малак пишириб, мазаги таом ҳолига келтирган эмиш. Шунданми, сумалак нафақат баҳорий, балки илоҳий таом сифатида ардоқланади.

Рўмоли чехрасига ярашган момоларимиз, соқоли кўксига тушган боболаримиз сумалакни тановул қилишдан олдин “Етказганига шукур!” деб шукроналар айтишади. Демак, шукроналик бор экан, албатта, яшилликлар мужассам. Яратган она заминга, одамзодга эҳсонлар юборади, тухфалар юборади. Шукроналиклар ортида ана шундай бахтиёрликлар яширинган бўлади.

Яна бободехқон дала-сига ошиқади, эл-юртга ризқ-насиба улашмоқ мақсадида қултуғ ниятлар ила тупроққа уруғ ташлайди. Шу уруғлар униб чиқиб, халқимизнинг насибаси етилади.

Баҳор мусиқаси ана шундай жилоланади. У юракларга илоҳий наҳида етаклаб келгандек қалбларимиз энтикиб кетади.

8-6

### ФАҲР

## “ЎЗБЕКИСТОНДА АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ҲУРМАТ ЮКСАК ДАРАЖАДА”

Туркиянинг Анқара шаҳрида буюк шоир  
Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишланган  
анжуманларда бу эътироф алоҳида таъкидланди



### БОШ КОТИБ СИМ ҚОҚДИ

Телефоним жиринглаб қолди. Кутардим. Таниш овоз. “Ғайратбек, жақсимсиз? Мен Султон Раевман. Ёнимда Шавкатжон Ортиқов ўтирибди, биласиз, у ТУРКСОЙнинг Ўзбекистон бўйича вакили. 9 февраль куни гўзал Тошкентнинг Адилбар хиебониде Алишер Навоий отамизнинг туғилган кунига бағишлаб ўтказилган анжуманлар овозаси Туркияга ҳам етиб келди. Тошкентда бошланган катта адабиёт байрамини Туркияда — Анқарада ҳам давом эттирсак, нима дейсизлар? Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шу хайрли ишга бош-қош бўлса... Менга қолса, бу тадбирни кечиктирмаслигимиз керак. Шу анжуман билан боғлиқ барча юмуш ва масалаларни Шавкатжон билан биргаликда келишиб олсангизлар”.

Яшириб нима қилдим, Халқаро Туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг Бош котиби, Қирғиз халқ ёзувчиси, “Келажак пойдевори” халқаро мукофоти соҳибига Султон Раевнинг дилларни ёруғ қиладиган ушбу ташаббуси бизга ҳам қувонч, ҳам ғайрат-шижоат бағишлади.

Бу ёруғ муждани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири, сенатор Сирожиiddин Саййидга етказдик. Бу тақлиф устозимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланди...

Мақсад эзгу бўлса, мурод ҳам тез ҳосил бўлар экан. Қултуғ ниятни амалга ошириш мақсадида Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ, Ўзбекистон Республи-

каси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Туркия Ёзувчилар уюшмаси ва Анқара ижтимоий фанлар университети ҳамкорликда тадбирларга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

Комил ишонч ила айтаман: ўзбек — она халқимиз буюк халқдир. У жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган аллома, шоир, адиб ва улуг мутафаккир зотларни берган миллатдир. Жаҳон илм-фани, маданияти, адабиёти ва санъатида ўчмас из қолдирган улуг аждодларимизнинг ҳар бирлари Ўзбекистоннинг шону шавкатини, ўзбек халқи довуғини етти иқлимга ёйганлар ва ёймоқдалар. Фикрларимизнинг тасдиғи ўларам, муҳаддис боболаримиз Имом Бухорий, Имом Термизий, қомусий алломаларимиз Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, илм-фан соҳаларидаги олимларимиз Мирзо Улуғбек, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, тасаввуф уламолари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий, Хожа Аҳрод, улуг адиблар Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби халқимизнинг буюк фарзандлари номларини эслашнинг ўзи кифоя.

Барчамизга маълум, “тенгдоши Помпору оқосқ Теншон” (Эркин Воҳидов — F.M) бўлган ўзбек халқининг буюк фарзанди Алишер Навоий нафақат туркий дунё, балки башарият шоиридир.

3-6

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.)

**Зиганшина Динара Равилевна** — Марказий Осиё давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг илмий-ахборот маркази директори

**Ибрагимова Олия Хожамбердиевна** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 1-Гидрометаллургия заводи кран машинисти, Навоий вилояти

**Каримова Феруза Бахтиёрвна** — Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг петрология лабораторияси бошлиғи

**Матвиенко Ирина Александровна** — “Nemolchi.uz” ижтимоий лойиҳаси раҳбари

**Мухиддинова Умида Тулкуновна** — Ижтимоий химоя миллий агентлигининг ногиронлиги бўлган шахслар учун тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

**Рўзметова Насиба Шариповна** — Хива туманидаги “Кўшчи каттабў” ва “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Хоразм вилояти

**Убайдуллаева Нигорахон Қурвоналиевна** — Қувасой шаҳар ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

**Урунбаева Гулчехраhon Шокировна** — Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институтининг органик деҳқончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси профессори, Андижон вилояти

**Хамраева Муатар Кабилжоновна** — Чилонзор туманидаги “Гавҳар” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Оқила аёллар” ҳаракати раҳбари, Тошкент шаҳри

## II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Адилова Феруза Саибжановна** — “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири

**Аширова Гулчехра Олимовна** — Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими директори

**Имамова Дилбар Бабақулловна** — Самарқанд шаҳар нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Самарқанд вилояти

**Каримова Барно Патхулловна** — Тошкент шаҳридаги “Иф-фатли келин” ўқув маркази таъсисчиси

**Раҳманова Эътиборхон Абдурауфовна** — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

**Тураева Салиха Дусановна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфдаги Гулистон тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Сирдарё вилояти

**Усмонова Хуриниса Шараровна** — Наманган давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, Наманган вилояти

## II даражали “Саломатлик” ордени билан

**Абдуллаева Нилуфар Исматовна** — Шофиркон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг бош патронаж ҳамшираси, Бухоро вилояти

**Қамбаровна Нигора Фаттаховна** — Шахрихон туманидаги “Шахрихон” оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Андижон вилояти

**Мансурская Эльвира Сабриевна** — Гулистон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Сирдарё вилояти

**Мухамедова Барно Фархадовна** — Республика шошилинч

тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

## “Соғлом турмуш” медаллари билан

**Бобоева Юлия Леонидовна** — Наманган вилояти сув спорти турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг сузиш бўйича мураббийси

**Куанишова Жамила Сейлбек кизи** — Учқудуқ туманидаги “Кулқудуқ” оилавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Навоий вилояти

**Пазилова Мухоеҳон Якубжоновна** — Фарғона вилояти “Miss fitness” аёллар соғломлаштириш маркази раҳбари

**Халикова Хуршида Нарзуллаевна** — Самарқанд вилояти якка кураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийси

## “Содик хизматлари учун” медаллари билан

**Жумаева Садбарой Ахатовна** — Денов тумани ички ишлар бошқармасининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Исмоилова Ирода Хотам кизи** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий қисм мутахассиси

## “Келажак бунёдкори” медаллари билан

**Муқинова Махлиёхон Азизжон кизи** — “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технолоки парк дирекцияси” масъулияти чекланган жамияти бош директорининг IT-хизматлар экспортини ривожлантириш бўйича ўринбосари

**Мухторова Мадина Инъомжон кизи** — Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази талабаси, Жиззах вилояти

## “Шўхрат” медаллари билан

**Абдувоҳидова Шахноза Абдуганиевна** — “UZINFOCOM” масъулияти чекланган жамиятининг рақамлаштириш бўйича директори

**Азимова Зарногор Шўхратовна** — Навбахор туманидаги “Беширбот” маҳалла фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Навоий вилояти

**Атаданова Юлдузхан Юлдашовна** — Нукус ихтисослаштирилган маданият мактабининг фортепиано ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Атаева Муқаддас Матякубовна** — Урганч шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор, гул етиштирувчи, Хоразм вилояти

**Бердимбетова Гулсара Есеневна** — Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг кимё лабораторияси катта илмий ходими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бўрнова Айчурак Равшанбековна** — Қўрғонтепа туманидаги “Flowers Anya” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Бутаева Зулайхо** — Боёвут туманидаги “Боёвут агропилла” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Сирдарё вилояти

**Бутаева Инобат Юлдош кизи** — Чирокчи тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассиси, Қашқадарё вилояти

**Воҳидова Нойира Раҳимовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти лаборатория мудири

**Жўраева Нилуфар Давроновна** — Бойсун туманидаги

“Dream’s Shahrinaz” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, ҳунарманд-каштачи, Сурхондарё вилояти

**Захидова Назира Салоҳиддиновна** — Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси гид-таржимони, Самарқанд вилояти

**Икрамова Тамилла Алишеровна** — Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси “Ахборот” бош муҳарририят катта муҳаррири

**Камбаридинова Ноила Мехрожовна** — Тойлоқ тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Кудайбергенова Асия Мирзал кизи** — Зангиота тумани “Фобробий” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Тошкент вилояти

**Кудратова Малика Маматмуратовна** — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Дўстлик тумани бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти

**Мамадалиева Наибохон Сайдаминовна** — Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директорининг маънавий-маърифий ишлар, давлат тили ва илмий-тадқиқот масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Маматқуллова Гулбаҳорхон Ахмедовна** — Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникумининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Фарғона вилояти

**Масимова Кунел Илясовна** — Зарафшон шаҳридаги 15-мактабга таълим ташкилоти тарбиячиси, Навоий вилояти

**Муминова Зебохон Рихсибаевна** — Юнусобод туманидаги “Nova school” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Норматова Лобархон Холматовна** — Риштон туманидаги “Фурқат” фермер ҳўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Созикина Елена Геннадевна** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси

**Ташбаева Гулчехра Карабековна** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси

**Халбаева Гуландан Балтабаевна** — Қўшқўпир тумани кўзи ожизлар кутубхонаси мудири, Хоразм вилояти

**Хунарова Малахат Хайдаровна** — Ангрэн шаҳридаги “Oydin central service” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Хурамова Салима Жўраевна** — Ғузор туманидаги “Ғузор қоракўнликчи” масъулияти чекланган жамияти бош чўлини, Қашқадарё вилояти

**Шарипова Лайло Фрунзеевна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Шерматова Гулсара Турсунбаевна** — Тошкент шаҳар Марказий майдонлари ободонлаштириш бошқармасининг кўчалардорлаштирувчи-гул экувчиси

**Эргашева Шахноза Агзамовна** — Қибрай туманидаги “Пўлат қадам” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Тошкент вилояти

**Эсанова Саломат Алпардановна** — Қумқўрғон туманидаги “Сайхон” оилавий шифокорлик пункти дояси, Сурхондарё вилояти

**Юнусова Эътиборхон Абдухалиловна** — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Уйчи тумани бўлими раҳбари, Наманган вилояти

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2026 йил 3 март

# Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.)

**Эргашова Мехринисо Ҳусниддин кизи** — Бухоро давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

**Файзуллаева Вазира Хамидовна** — Бухоро давлат тиббиёт институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

**Турсунова Висола Беҳзодовна** — Жиззах давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

**Жўрабоева Мухниса Ориф кизи** — Ўзбекистон Миллий университетининг табиий география кафедраси кабинет мудири (Жиззах вилояти)

**Муродова Маржона Шўхрат кизи** — Божхона институтининг халқаро ҳамкорлик бўлими инспектори (Қашқадарё вилояти)

**Амирова Латофат Баҳром кизи** — Эркин иқодкор, шоира (Қашқадарё вилояти)

**Кудратова Машхура Фазлиддин кизи** — Навоий шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

**Ҳайдарова Лазиза Набижон кизи** — Навоий давлат университетининг 2-босқич талабаси (Навоий вилояти)

**Эргашова Хушнўзаой Тохиржон кизи** — М.Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли балет артисти (Наманган вилояти)

**Исмоилова Гулшаной Шўхрат кизи** — Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Мамедова Амалия Парвизовна** — Самарқанд шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

**Тоҳирова Моҳиғул Умир кизи** — Самарқанд давлат университетининг амалий психология кафедраси ассистенти (Самарқанд вилояти)

**Мингобоева Зулҳай Улугбек кизи** — Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

**Махмудова Олимаҳон Юсуфжон кизи** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Сирдарё вилояти бўлими созандаси (Сирдарё вилояти)

**Иброғимова Нодира Жўрабековна** — Тошкент шаҳридаги “Shkola 21” нодавлат таълим муассасаси лойиҳа раҳбари (Сурхондарё вилояти)

**Шокирова Гулҳайё Ўқтам кизи** — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 1-босқич магистранти (Сурхондарё вилояти)

**Уралова Гулҳайё Баходир кизи** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг 2-босқич таянч докторанти (Тошкент вилояти)

**Холмухамедова Паризод Жасурбек кизи** — Юқори Чирчиқ туманидаги 24-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бадийи каштачилик ўқитувчиси (Тошкент вилояти)

**Жўрабоева Дилафрузхон Сардоржон кизи** — Халқаро фрилансерлик платформалари фрилансери (Фарғона вилояти)

**Собинова Дилафрузхон Салоҳиддин кизи** — Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Фарғона вилояти)

**Курнобоева Моҳинур Одилбек кизи** — Урганч давлат тиббиёт институтининг катта ўқитувчиси (Хоразм вилояти)

**Дўсметова Шаҳноза Дўсмет кизи** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Хоразм вилояти бўлими мақом хонандаси (Хоразм вилояти)

**Саранцева Анастасия Олеговна** — Мирзо Улугбек туманидаги 208-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

**Мавлонова Севинч Санжар кизи** — “Янги Ўзбекистон” университетининг 2-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

## МУНОСАБАТ

Яқинда Кўксарой қароргоҳида Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан очиқ ва самимий мулоқоти мамлакатимиз тараққиёт стратегиясида инсон капитални ривожлантириш устувор йўналиши эканини яна бир бор тасдиқлади. Ушбу учрашув ёшлар сиёсатини янги босқичга олиб чиқадиган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб берди. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, стартап ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, таълим ҳамда бандлик тизimini такомиллаштириш борасида илгари сурилган ташаббуслар олий таълим муассасалари олдига ҳам катта вазифаларни қўймоқда. Ҳар ҳафтанинг пайшанба кўни “Ёшлар кўни” эътиб белгиланиши эса, ёшлар билан ишлашни тизимли, очиқ ва масъулиятли жараёнга айлантиради.

Мухтарам Президентимиз томонидан ҳар бир олий таълим муассасасида таълим сифатини таъминлаш, гоё, стартап, лойиҳалар қўламини ошириш, ёшларни спортга, соғлом турмуш тарзига кенг тарғиб қилиш бўйича янги инновацион ёндашувлар ишлаб чиқиши ҳамда жорий қилиниши юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Президентимизнинг охириг йиллардаги таълимга, хусусан, олий таълимга, илм аҳлига юксак эътиборлари натижасида республикамиз олийгоҳлари салохияти орди, олимпиярнинг нуфузи, жамиятдаги ўрни ҳамда олиб борилаётган ошқотларга, ижобий ўзгаришларга дахлдорлиги ошди. Бугунги кўнга келиб олий таълим муассасалари мамлакат, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожда нафақат кадрлар тайёрлаш орқали иштирок этмоқда, балки истиқболли лойиҳалар, кенг қўламли ислохотларда амалий ишлар билан бевосита ўз хиссасини қўшишга интиломоқда.

Мазкур устувор йўналишлар Фарғона давлат техника университети фаолиятида амалий ўз аксини толомоқда. Бугунги кўнда университетимизда 19 202 нафар талаба тахсил оломоқда. Таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш мақсадида 67 та йирик корхона билан ҳамкорликда дуал таълим йўлига қўйилган бўлиб, 3 832 нафар талаба ушбу тизим асосида билим ва амалий кўникма эгалламоқда. Университет қошида 50 та кафедра филиаллари ташкил этилган, 165 нафар юқори мақоли амалиётчи-мутахассислар ўқув жараёнига жалб қилинган.

Битирувчилар бандлигини таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида. 2024-2025 ўқув йилида университетни 3 337 нафар битирувчи тамомлади. Уларнинг 3 283 нафари иш билан таъминланди, 42 нафар битирувчи иш берувчи корхона ва ташкилотлар талаблари асосида ташкил этилган қисқа муддатли курсларда қўшимча билим ва амалий кўникмаларга ўқитилмоқда. Бу кўрсаткичлар



# БИЛИМЛИ ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ёруғ келажакимиз эгаларидир

таълим мазмунини амалиёт билан уйғунлаштириш борасидаги ишларимиз самарадорлигини қисман ифодалайди.

Жорий ўқув йилида АТ соҳаси таълим йўналишларида босқичма-босқич лойиҳага йўналтирилган таълим (“Project based learning”) тизими жорий этила бошланди. Жорий қилинаётган тизимда барча юқори курс талабаларининг мутахассислик фанларидан назоратлари, курс ишлари, малакавий амалиёт ҳисоботлари лойиҳа кўринишида амалга оширилади ва баҳоланади. Таълим жараёнига жорий қилинаётган ушбу янги тизим вилоятимиздаги ташкилотларнинг рақамлаштириш ёки рақамли тизимларини такомиллаштиришга қаратилган реал

эҳтиёжлари ва улар асосида шакллантирилган муаммолари банки асосида амалга оширилиши режалаштирилган. Бу эса, бир томондан, вилоятимиздаги корхона ва ташкилотларни рақамлаштириш даражаси ва сифатининг ортишига, иккинчи томондан, битирувчиларнинг мақсадли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, университетимизда сунъий интеллект лабораторияси, IT-парк ва акселераторлик марказларини ташкил этиш бўйича амалий ишлар оширилади ва баҳоланади. Таълим жараёнига жорий қилинаётган ушбу янги тизим вилоятимиздаги ташкилотларнинг рақамлаштириш ёки рақамли тизимларини такомиллаштиришга қаратилган реал

шакллантиришга кўмак бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фарғона давлат техника университети халқаро ва маҳаллий таълим хизматлари бозорига мавқеини мустаҳкамлаш, халқаро меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизimini такомиллаштириш мақсадида университет ва мавжуд таълим йўналишларини халқаро аккредитациядан ўтказиш жараёниларини олиб бормоқда. Жумладан, муҳандислик таълими аккредитацияси бўйича дунёдаги энг нуфузли ташкилотлардан бири ҳисобланган Германиянинг “ASIIN” ташкилоти билан “Архитектура ва қурилиш” факультетини барча таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича жараёнилар ўз ниҳоясига етди.

Яна бир муҳим янгиллик, дунёнинг биринчи рақамли аккредитация ташкилоти ҳисобланган Буюк Британиянинг “QAA” ташкилоти томонидан республикамиз таълим ташкилотлари орасида илк бор, ўрганишлар натижасига кўра, Фарғона давлат техника университети томонидан юборилган сўров қабул қилинди ва университетни институционал аккредитациядан ўтказиш бўйича Узаро шартнома имзоланди. Шартномага кўра, Буюк Британиянинг “QAA” ташкилоти томонидан университетни институционал аккредитациядан ўтказиш бўйича барча харажатлар Осиё Тараққиёт Банки томонидан тўлиқ грант сифатида тақдим этиломоқда.



Ҳозирда университетда архитектура ва қурилиш соҳасида 5 та ихтисослашган марказ — Геологическая маркази, Геотопография маркази, Бино ва иншоотларни лойиҳалаш маркази, Бино ва иншоотлар конструкцияларининг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш лабораторияси ҳамда Аккредитацияланган қурилиш синов лабораторияси самарали фаолият юритмоқда. Ушбу марказлар ҳудудда амалга оширилаётган соҳага оид лойиҳаларда муносиб иштирок этмоқда.

Ёшлар сиёсати доирасида спорт фаолиятини ривожлантириш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Университетимизда талабаларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спорт тўғрисидаги, мусобақалар ва турнирлар мунтазам ташкил этиломоқда. Талабаларимиз ҳудудий ва республика миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, муносиб натижаларга эришмоқда. Спорт орқали ёшларимизда интизом, ирода, жамоавийлик ва етакчилик фазилатлари шаклланимоқда.

Университетимиз қошида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қишлоқ ҳўжалигига замонавий технологияларни жорий этишга ихтисослашган Технопарк ташкил этиломоқда. Ушбу Технопаркда замонавий технологиялар асосида қишлоқ ҳўжалигида қўлланишга мўлжалланган техникалар ишлаб чиқариш бўйича тўлиқ цикл йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар — ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни билимли, ташаббускор, рақобатбардош ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш — Фарғона давлат техника университети фаолиятининг бош мезонидир. Ватанимиз келажак ва тараққиёти учун билимли ва салоҳиятли ёшларни тайёрлаш пировард мақсадимиз ҳамда фаолиятимизнинг мазмунидир.

Илмдоржон ЖАҲОНГИРОВ,  
Фарғона давлат техника университети ўқув ишлари бўйича проректори,  
ректор в.в.б.

# “ЎЗБЕКИСТОНДА АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ҲУРМАТ ЮКСАК ДАРАЖАДА”

## Туркиянинг Анкара шаҳрида буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишланган анжуманларда бу эътироф алоҳида таъкидланди

**1-6.** Шубҳасиз, буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебахо адабий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига муҳим ўрин тутди. Улуғ мутафаккир шоир ўз асарлари орқали юксак умминсоний ғояларни илгари сурган, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва мислсиз ифода имкониятларини бутун қўрқу жозибаси билан кўрсатиб берган. Шу боис ҳазрат бобомиз дунёдаги миллионлаб асл сўз ва ҳикмат илҳомландлари қалбидан муносиб ўрин эгаллади ва эгаллаб келмоқда.

Кейинги йилларда Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг бой ва серқирра меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва чет элларда тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шоир туғилган сана ҳар йили юртимизда ва хорижий давлатларда кенг нишонланиб, “шеър аҳли аро жаҳонир” (Абдулла Орипов – F.M) бўлган сўз санъаткори ижоди юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Шу маънода Анкарадаги анжуманлар ҳам ҳақиқий маънода “Мажолис-ун нафоис” бўлди, десак муболага бўлмас.

### МЎЖАЗ ЭМАС, МЎЖИЗА КУТУБХОНА

Биз Осиё ва Европа минтақалари бир-бирига қўл берган юрт сари учдик. Учогимиз эрталаб Туркия пойтахти Анкара шаҳрига кўндим. Мақсадимиз Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 585 йиллигига бағишланган анжуманларда иштирок эттиш. Ижодий жамоамиз раҳбари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Жамоа таркибидан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, Навоийшунос олим, академик Шухрат Сирожиддин, таниқли адабиётшунос олимлар Нурбой Жаббор, Нафас Шодмон, Мақсуд Асадов, Шахло Ҳожиёва ҳамда камина ва янги манзаралар, янги қиёфалари қадам-қадам тасвирига олиб бораётган телевидение ходимлари бор.

Биз, энг аввал, Туркия Халқ кутубхонасида бўлдик. Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдуьган ташаббуси билан буёнд этилган Халқ кутубхонаси очилишига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этган эди. Бу мақоабати ишшоот майдонини 125 минг квадрат метрдан иборат. Ун бир қаватли бино марказида катта гўмбаз. Энг катта ўқув зали “Жаҳоннома” деб аталади. У ерда дунёнинг юздан ортиқ давлатларидан келтирилган китоблар тартиб билан териб қўйилган. Айлана шаклдаги ўқув зали гўмбазидан Қуръони каримнинг Алақ сураси 4-5-оятлари мазмуни: “У инсонга қалам билан ёзишни ва билмаган нарсасини ўргатган зотдир” деган ёзувлар битилган. Залнинг 16 та устуни бўлиб, улар туркий халқларнинг тарихий илдишларига рамзий ишора-дир.

Муҳташам кутубхонада китобхон учун барча шароит ва имкониятлар муҳайё. Ўқиб заллари, қадимий қўлёзмаларни реставрация қилиш лабораторияси, архив мажмуаси, кўргазмалар ва болалар майдончалари, автотураргоҳлар, кўркам хибонлар, дам олиш хоналари, таомхона ва қаҳвахоналар... Хуллас, ҳамма-ҳаммаси мавжуд. Кутубхона бошлиғи Айхан Туглу: “Ҳозирда беш ярим миллиондан ортиқ босма манбага эгамиз. Кутубхонамиз борган сари боийб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мингта китоб тўхфа қилиш қарорларингиз шу кунларнинг энг янги хушхабери бўлди. Бунинг учун, албатта, катта раҳмат. Яна бир маълумот, кутубхона бир вақтнинг ўзида беш минг ўқувчини қабул қила олади. Биз китобхоналаримизни ҳар кун чой, қаҳва, ёнгли таомлар билан меҳмон қиламиз”, – дея тўлиб-тошиб сўзлади.

Кутубхона саёҳати хайратимизга ҳайрат, завқимизга завқ қўшди. Барчамиз Ўзбекистон раҳбари совға қилган китобларни кўришга ошиқардик. Ниятимизни кўзларимиздан англаган кутубхона бошлиғи Айхан Туглу бизни ўша томонга бошлади. Президентимиз томонидан тўхфа қилинган дунёда ўта ноёб бўлган “Усмон Мухаффи”нинг хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси, Жалолоддин Румийнинг машҳур “Маснавий” асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг “Қасалликлар тарихи” асари қўлёзмаларининг фахримиле нусхаси, “Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхаси” номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган “Ўлмас кўнгул” деб номланган жаҳоирларни кўриб, қувондик. Кейин биз ҳам кутубхонага янги китоблар – Ойбек, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Анвар Обиджонларнинг “Танланган асарлари”, адиб Хайридин Султоннинг “Ялдо кечаси” ҳамда ўзимизнинг китобларимизни ҳада қилдик.

Ўз навбатида Анкарадаги Халқ кутубхонаси ходимларига мамлакатимизда китоб ва китобхонликка берилётган эътибор, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида гапириб бердик. Айниқса, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Янги Тошкентда қарийб 4 гектар майдонда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси барпо этилаётганлиги билан боғлиқ хабаримиз мезбонларни қизиктириб қўйди. Миллий кутубхонамизнинг янги биноси миллий меъморчилик аъёналари ва замонавий архитектура ечимларини уйғунлаштирган ҳолда лойиҳалаштирилган. Тўрт қаватли ишшоотнинг умумий майдони 30 минг квадрат метрдан зиёд бўлиб, бир вақтнинг ўзида 1 минг 420 нафар китобхонага хизмат кўрсатади.

Мажмуа кўп тармоқли бўлиб, халқро ва миллий йирик кутубхоналарнинг электрон базаларига охлайин улашми имкони, кўзи ожиз китобхоналарга мажсуус ўқиш ва тадқиқот олиб бориш учун барча шароитлар яратилади. Шунингдек, ташриф буюрув-



чилар учун 300 ўринли қаҳвахона, галерея, ёнгли спорт ўйинлари майдончалари ва дам олиш худудлари барпо қилинади.

Президентимиз, илм-фан ва маънавиятга сармоя киритган давлатнинг иқтисодий салоҳияти ҳам барқарор ва юқори бўлади, деган мазмундаги фикрларни кўп таъкидлайдилар. Ҳикоямизга диққат қилиб, қўлоқ бериб турган мезбонлар “мамлакатингизда барпо этилаётган ушбу кутубхонанинг доверу, дунёнинг энг машҳур кутубхоналари донги каби, бутун оламга таралсин”, деб ният билдирдилар.

### ЁНИМИЗДА, ҚАЛБИМИЗДА

Алишер Навоийнинг ҳайкали илк бора қайси хориж давлатида ўрнатилганини биласизми? Ҳа, топдинги! 1968 йилда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида. Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритганидан кейин улуғ аждодимизга бўлган эҳтиром ҳадди аъло-сига етди. 2002 йили Москвада, 2004 йили Токиода, 2008 йили Бокуда, 2017 йили Шанхайда, 2018 йили Душанбеда, 2019 йили Минскда, 2021 йили Сеулда, 2023 йили Остонада Алишер Навоийга ёдгўрликлар ўрнатилди. Назаримда, бу ҳайкаллар фақатгина улуғ аждодимизга бўлган ҳурмат ва эъзоз бўлиб қолмай, балки буюк халқимиз ва Ватанимизга

### ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ

Алишер Навоий ҳайкали пойидаги тадбир яна бир қўтлуғ анжуманга уланиб кетди. Туркиянинг Анкара шаҳрида жойлашган Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ Бош қароргоҳида буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги муносабати билан “Алишер Навоий – туркий адабиётнинг буюк намояниси” мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Тадбирда Қозоғистоннинг Туркиядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Еркебулан Сапиев, Туркманистоннинг Туркиядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Мекан Ишангулиев, Ўзбекистон Ёзувчилар



кўрсатилган эътибор ва эҳтиром намунаси ҳамдир.

Яна ҳам қувончлиси, ҳар йили февраль ойида бобомиз ҳайкали ўрнатилган шаҳарларда адабий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтади. Улуғ шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилади. Ҳазаллар ва ижодкор қаламгари мансуб ашъорлар қўшиқ қилиб қўйланади. 2024 йилдан бун Анкарада ана шундай анжуманлар аъёна тусини олди. Дарвоқе, Анкара шаҳри Кечийурен туманидаги Алишер Навоий ҳайкали мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги тантаналари доирасида очилган.

Анкара шаҳрида Алишер Навоийнинг 585 йиллиги тамомла ўзгача нишонланди. Тадбирлар Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросимидан бошланди. Адабий йиғинда Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ Бош қотибияти, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси, Анкара шаҳри Кечийурен тумани ҳокимияти вакиллари, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Туркманистондан ташриф буюрган навоийшунос олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар иштирок этди. Сўзга чиққанлар Навоийнинг бемисл ижодий ва илмий мероси хусусида сўз юритдилар. Шоирлар ҳазратга бағишланган шеърлардан ўқиб бердилар. Сўлим боғ бағрида қаё ростлаб турган бобомиз сиймосига боқиб, ҳаёлимда ул зотнинг шу сатрлари такрорланди:

**Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,  
Рост наво нағмага таҳсин дегил.**

оладилар”. Видеотабрикда билдирилган фикрлар тадбирда сўзга чиққанлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Зеро, бу фикрлар Алишер Навоий ижодининг мазмун-моҳиятини англашда мухтаassisларга ҳам, оддий китобхонлар учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

ТУРКСОЙ Бош қотибияти Султон Раев маърузаси давомида: “Ўзбекистонда аждодлар меросига ҳурмат, уни асраб-авайлашга бўлган эътибор жуда юксак даражада. Фақат олимлар, академиклар эмас, балки ёшлар ҳам Навоийни, Бобурни яхши билади. Уларнинг шеърлари, ғазалларини ёддан айтади. Бу жуда муҳим. Бу – Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг адабиётга, маданиятга, китобхонликка қаратаётган юксак эътибори натижасидир”, – дея алоҳида таъкидлади. Султон Раев ўз фикрларини шундай давом эттирди: “Ўзбекистон тарихида икки Буюк Ренессансга асос солган. Ҳозир Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш учун ҳаракат қилинапти. Ҳеч шубҳа йўқки, Учинчи Ренессанс учун айнан Навоий мероси муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Алишер Навоий асарлари бадиий, фалсафий, илмий жиҳатдан мукаммал асарларина эмас, балки онимизга куч-қувват берадиган, инсонларни, элларни, халқларни бир-бирига бирлаштирадиган маънавий макон ҳамдир”.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ўз маърузасида мамлакатимизда маънавият ва маърифатни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида таъсис этилган Алишер Навоий номидаги халқаро муқофотнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Жумладан, Сирожиддин Саййид: “Биз Навоийни ёд этар эканмиз, аслида ўз умумий хотириямизни, умумий виждонимизни ва умумий келажакимизни ёдга оламиз”, – деди. Сўнг Алишер Навоий газалидан илҳомланиб битилган “Кўзунг не бало...” номли мухаммасини ўқиб берди.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “Ахир, Навоий бор, Навоий бордир” шеъри ўтирганларнинг онг-шуурига нур бағишлади. Шундан сўнг Йилдирим Боязид университетини профессори, доктор Фонда Топрак, Озарбайжон Миллий фанлар академияси профессори, доктор Саодат Шўҳиева, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари, профессор, филология фанлари доктори Мақсуд Асадов, қирғизистонлик профессор Жидигер Саалаев, ТУРКСОЙ Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Эшдавлат, Анкара университети тил, тарих ва география факультети профессори, доктор Берди Сариев Алишер Навоий ижодининг туркий дунё адабиётига таъсири ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Анжуман доирасида туркий дунё маданияти ва адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ зиёлилар ТУРКСОЙ томонидан муқофоланди. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва академик Шухрат Сирожиддин ТУРКСОЙнинг Олтин медали, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов ТУРКСОЙ медали билан тақдирланди.

### ЕТТИ ИҚЛИМ ХАРИДОРИ

Анкара ижтимоий фанлар университетидида “Алишер Навоий ва туркий дунё” мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Анжуман ТУРКСОЙ Бош қотибияти Султон Раев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистоннинг Туркиядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Илҳом Ҳайридин ҳамда Анкара ижтимоий фанлар университети ректори, профессор Мусо Қозим Арижоннинг кириш сўзлари ва самимий тилаклари билан бошланди ҳамда икки шўъбага бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Биринчи сессияга профессор Билол Чакчи, иккинчиси профессор Селчук Жошқун раислик қилди. Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Туркманистондан келган соҳа мутахассислари, олимлар ва ёзувчилар Навоий шахсияти, қарашлари ва туркий дунё тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Хусусан, филология фанлари доктори, профессор Нафас Шодмонов, Анкара Ҳожи Байрам Вали университети профессори, доктор Вели Саваш Елок, филология фанлари доктори Шахло Ҳожиёва ва бошқалар Навоий меросининг аҳамияти ва тур-



кий дунёдаги ўрни ҳақида сўз юритишди. Туркиянинг Анкара шаҳрида бўлиб ўтган бу тадбирларни кузатиб, яна ҳаёлимдан улуғ шоирнинг “Сабаъи сайёр” дostonидаги қўйдаги мисралари ўтди:

**Дегонимни улусқа марғуб эт!  
Ёзгонимни кўнгулга маҳуб эт!**

**Тилга лафзини ногузур айла,  
Жонга назмини дилпазир айла..**

**Халққа зеби торак айла ани!  
Укуғонга муборак айла ани!**

**Ётти афлонки анга ёр эт!  
Ётти иқлим элин харидор эт!**

Қўриб турибмиз, ҳазратнинг ашъори нафақат туркий дунё, балки етти иқлим элини ўзига харидор этиб келмоқда. Ишончимиз компил, улуғ бобомизнинг мероси яна кўп асарлар мобайнида инсониятни камолот сари етаклайверади.

### ИККИ ДЕНГИЗ БИРЛАШГАНДА

Туркия сафарининг яна бир эсда қоладиган жиҳати ҳақида тўхталиб ўтмасам бўлмайди. Бизнинг кўп йиллик орзуларимиз ушалди. Ўзбекистондан борган ижодий жамоага Кўнё шаҳрида Мавлоно Жалолоддин Румий ва Шамс Табризий ҳазратлари ётган табаррук масканни зиёрат қилиш насиб этди. Мен бу муборак зотлар ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Масалан, Шамсиддин Афқолийнинг “Манокиб ул-орифийн”, Мавлоно Жомийнинг “Нафахот ул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарларида гоят ибратли сўзлар бор. Мавлоно Жалолоддин Мухаммад Румий-Балхий ҳижрий 604 йил робийул-аввал ойининг 6-куни (милодий 1207 йил 30 сентябрда) Балх шаҳрида дунёга келганлари айтилган.

Атоқли шоир ва таржмон Мирзо Кенжабекнинг “Жалолоддин Румий сабоқлари” мақоласида шундай маълумотлар бор: “У зот амирул-муъминин – ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху авлобидандир. Отаси Баҳоуддин Валад Хуросон подшоҳи Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ қизининг фарзанди ҳисобланади. Баҳоуддин Валад шароит ва тариқат шимларида камолга етган, ҳазрати Ра-сулуллох соллаллоху алайҳи васаллам маъно маъно у зотга Султонул-уламо – олимлар султони деб ном берадилар. Бу ҳол бошқа зотларга ҳам туш орқали билдирилади. Ҳазрати Жалолоддин ана шундай шарофти оилада дунёга келадилар.

Ҳазрати Жалолоддин Мухаммаднинг камол топмоғида бир неча азиз сиймоларининг назар ва хизматлари бор. Булардан бошида у зотнинг оталари “Султонул-уламо” – Баҳоуддин Валаддан бошлаб, Саййид Бурхонуддин Муҳажжир Термизий, шайх Фаридуддин Аттор, шайх Шамси Табризий-гача давом этади. Хусусан, шайх Шамси Табризий Мавлоно Жалолоддиннинг муҳим ўрин тутаган севикли сиймодир. Ҳазрати Мавлоно Шамси Табризийни топелунларча бошқа бир умрни, ундан кейин бошқа бир умрни яшадилар. Кўнё шаҳрида бу икки зот учрашган жой “Мажмауъл-бахрайн” – “Икки денгиз бирлашган жой” деб аталган.”

Бир ривоят бор: Шамси Табризий айтиди: “Ҳақ таолога ёлвориб: “Мени авлиёларинг қаторига қўшигил ва уларга биродар айлагили!” деб кўп илтижо қилар эдим. Тушимда менга: “Сени бир авлиёга биродар қилгаймиз!” дейилди. Мен эса: “Ул валий зот қаредда?” дедим. Бу тушдан кейин менга уч марта кетма-кет: “Сен истаган валий Рум дийридадир!” дейилди. Улар, ривоятда айтилгани каби, Румда дийдорлашадилар. Шу икки улуғ авлиёларининг учрашган жойини “икки денгиз бирлашган жой” дейишди.

Бизни шаҳар бўйлаб олиб юрган мезбон тилидан бол томиб Кўнённи таърифлайди: “Шаҳримизнинг ҳудуди Европанинг 11 мамлакатидан ҳам катта. Аҳолиси буйича Туркияда олтинчи ўринда туради. Кўнё пайгамбарлар шаҳри. Бу ерда олти нафар пайгамбарнинг равазиси бор. Яна Кўнё “авлиёлар шаҳри” ҳам дейилади. Негаки, бу замин кўллаб авлиёлар, шоир адибларнинг бешигини тебратган. Туркияга келаётган сайёҳларнинг жуда кўп қисми айнан шу қўтлуғ тупроқни зиёрат этиш истаги билан Туркияга келишади”.

Ана шунга ўхшаш маълумотлар бизнинг қалбимизда Мавлоно Жалолоддин Румий ва Шамс Табризий ҳазратларига муҳаббат пайдо қилган. Шукур, шу улуғларни зиёрат қилиш насиб этди.

### МИЛЛИЙ ГУРУР РАМЗИ

Туркия сафари чоғида яна бир бор амин бўлдимки, Алишер Навоий жаҳон адабиётининг улуғ сиймоларидан бири, шоир, мутафаккир ва давлат арбоби, туркий маданият тараққиётида бурилиш ясаган, миллатимизнинг миллий гурури рамзига айланган буюк зотдир. Ҳазратнинг мероси халқимизнинг миллий, бадиий тафаккури, маданияти тарихида бутун бир даврини ташкил этади. Сўз мулкнинг султони нури қалами ила яратган безавул адабий мерос замон ва маконлар оша абадул-абад яшайверади. Эзгуликка, яхшиликка интилган эллар ва юртлар билан ҳамнафас, ҳамқалба бораверади.

**Ғайрат МАЖИД,  
Тошкент – Анкара – Кўнё – Тошкент.**

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УЮШМА БЎЛИМИ РАИСИ ЎЗГАРДИ

Қарши шаҳридаги Маънавият масканида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қашқадарё виллоят бўлимининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма бўлими бошқаруви аъзолари, ҳудудий ОАВ масъуллари иштирок этди.

Йиғилишда қатнашган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан очиқликни, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, журналистлар олдида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳолис-ҳаққоний ёритишдек масъулиятли вазифалар турганини алоҳида таъкидлади.



Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлим томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар берилди. Галдаги вазифалар, мавжуд муаммолар ҳақида гапирилди, ташкилий масала – бўлимга раис сайлаш масаласи ўртага ташланди.

Кўрсатилган номзодлар орасидан Акбар Раҳмонов Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Қашқадарё виллоят бўлими раиси этиб сайланди.

Тадбирда “Адолат кучи” газетаси бош муҳаррири Норбўта Ҳошиев, журналист Шавкат Аминов ва бошқалар номзодни қўллаб-қувватлади.

А.Раҳмонов 1979 йил 20 декабрь кун Қашқадарё виллоятининг Чироқчи туманида туғилган. 2010 йил Қарши давлат университетини тамомлаган. Иш фаолиятини 2005 йилда “Қашқадарё ёшлар спорти” газетаси муҳбири сифатида бошлаган. Кейинчалик “Қашқадарё спорти” газетаси бош муҳаррири, “Спорт”, “Ўзбекистон футбол”и ҳамда “Маърифат” газеталарининг Қашқадарё виллоят бўлими ахборот хизмати раислигида самарали фаолият олиб борган. Айни кунда у “Янги Ўзбекистон” газетасининг Қашқадарё виллоят бўлими раиси этиб сайланди.

Эндиликда Акбар Раҳмонов бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Қашқадарё виллоят бўлими раиси сифатида ҳам фаолият олиб боради.

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ БЎЙИЧА МУЛОҚОТ

Навоий шаҳридаги “Ёшлар медиа маркази”да Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий виллоят бўлими ҳамда “Фидойи ёшлар” телеклуби ҳамкорлигида “Миллий контент яратишнинг ўзига хос жиҳатлари ва аҳамияти” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

НУҚТАИ НАЗАР

Яхши эслаيمان, газетачилик фаолиятини бошлаган 1976 йили ҳам вақтли нашрлар обунаси нечоғлиқ бўлиши республика, виллоят, туман раҳбарларига боғлиқ эди ва улар тасдиқланган миқдордаги газета-журналларнинг обуна режаси уқулалар эди. Тахририятлар бу ишга деярли аралашмасди. Обуна мавсумининг бориши шаҳар, туман раҳбарларининг ижтимоий соҳалар бўйича ўринбосарлари ҳамда обуна билан шуғулланувчи ташкилот раҳбарлари иштирокида ҳар ҳафта муҳокама этиб бориладди.

Туман газетамиз ўша йиллари 10 минг нусха атрофида чоп этилган. Минг афсуски, яқин йилларда ҳокимлик вазифасида ишлаган маънавият ва маърифат жонқуярларидан бир-ик-китасини ҳисобга олганда, туманимизга оммавий ахборот воситалари ҳақида қайғурувчи раҳбарлар келмади ҳисоб. Оқибат шуки, газета адади йилдан-йилга камайиб бормоқда.

2025 йил якунланиши арафасида виллоят ҳокими Шавкатжон Абдураҳмонов фаоллар йиғилишида “Юз йиллик тарихга эга “Наманган ҳақиқати” газетамизни нашр этиш тўхтаб қолмасин. У — кучли ғоявий қуролимиз. Туман газеталарининг обунасига ҳам қараб қўйинглар”, дея масъулларга топшириқ берди. Ана шундан сўнг виллоятда обуна масаласида ҳужм сураётган сукунат барҳам топди. Нафақат виллоят, балки республика ҳамда туманларнинг газеталарига обуна сиёсати ва кунлик сўров бошланди. Натижа шуки, бугун биргина “Наманган ҳақиқати” газетаси қарийб 10 минг нусхада чоп этиляпти. Виллоятдаги бошқа нашрлар адади ҳам ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ошган.

Аммо бугун фақат муассиснинг кўмагигагина умид қилиш билан чеklangан қолган газеталарнинг муҳаррирлари янгилашди. Ижодий ҳоким ҳам ўз нашрининг мавқеини ошириш, жамоаликнинг чинакам ғоявий қуролига айланиши ҳақида қайғуриши шарт. Бу борада “Наманган ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири Хуршидбек Файзиев фаолияти ҳамкасбларимизга ўрнак бўлгулик.

Унинг қалами “Наманган садоси”, “Маърифат гулшани”, “Халқ иродаси” сингари нашрларда чархланган. У наманганлик таниқли журналист Комилжон Файзиевнинг фарзанди. Янги лавозимдаги фаолиятини давр талаб қилаётган даражада шашту шижоат, изланиш ва ташаббускорлик билан бошлади. Энг аввало, тахририятда ҳодимлар учун ишлаш шароитларини яхшилашга эътибор қаратди. Мутахассислар сифат таркибини ёш, янгиликка интилувчан журналистлар билан бойитди. Тахририят иқтисодий базасини мустаҳкамлаш мақсадида маркетинг бўлиминини ташкил этди. Ижодий ҳамда молия-иқтисод ва обуна бўлими фаолият юрита бошлаши нашрининг мазмун ва кўрк жиҳатдан тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Аввалгидек 8 саҳифа эмас, 24 саҳифада нашр этиш йўлга қўйилгани газетанинг географияси, жанрлар ранг-баранглиги, ўқишлилиги ҳар қачондир ошишида муҳим оимла бўляпти.

Газетхонлар, қолаверса, кенг жамоатчилик оқлишига сазовор бўлаётган янги-янги ижодий лойиҳалар амалиётга жорий этилаётгани ҳам эътиборга молик. Ана шундай рунқлардан бири “Муҳаррир ҳоким ҳузурда” деб номланган. Лойиҳа доирасидаги илк қўш саҳифа “Ри-

вожланиш манзараси” рунки остида “Уйчи тумани янги тараққиёт босқичида” сарлавҳаси билан ёритилди. Туман ҳокими Музаффар Абдуллаев муҳаррирининг Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган берган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда туман инфратузилмасини ривожлантириш, таълим соҳаси тараққиёти, тадбиркорлик, туризм, энергетика

Энг аввало, нафақат “Наманган ҳақиқати”, умуман, жамиятда газета ҳам, муҳаррир ҳам борлигини ифодаляйди. Виллоятимиздаги шаҳар ва туманлар ҳокимларини вақтли нашрларнинг журналистлари билан мулоқот қилишга вақт топиш ва суҳбатлашиш маданиятини ўргатади. Шаҳар ва туманларнинг умумий ҳаёти, кечаси, бугуни ва эртаси айнан ҳокимлар нўқтани

ГАЗЕТА “ТАҚДИРИ” КИМГА БОҒЛИҚ?

ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги туб ислохотлар, аҳоли билан очиқ мулоқот, маҳалла институти, жамоатчилик назорати, халқ қабули ва сайёр қабуллар орқали фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқиш бўйича берган саволларга аниқ мисоллар келтирган ҳолда батафсил жавоб қайтарган. Уларни ўқиган муштарий туманда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ислохотлари, турли лойиҳа ва фаровонлик дастурларидан кўзланган асосий мақсадларни тўла англаши аниқ.

Наманган тумани ҳокими Садритдин Мўминов билан ўтказилган суҳбат тафсилотлари эса қўш саҳифага жойланган. Ундан аҳоли бандлигини таъминлаш орқали ишсизликни камайтириш, меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, томирқанд самарали фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш, “қизил тоифа”га кирувчи маҳаллаларни “сарик”қа ўтказиш, инвестиция жозибдорлигини оширишга хизмат қилувчи йирик ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ҳақида маълумот оласиз. Австрия давлати делегациясининг Наманган туманига ташрифидан кўзда тутилган мақсадлар, камбағалликни қисқартириш, 2026 йилга мўлжалланган режалар ва муаммоларни яширмасдан очиқ айтиш, уларга ечим топиш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш бугунги ислохотлар даврининг асосий талаблари эканлиги муфассал акс эттирилган.

Янги Наманган, Янгиқўрғон, Норин туманлари ҳокимлари билан бўлган савол-жавоблар тафсилотлари ҳам бугунги файзиёб ҳаёт, халқ ҳўжалиги турли соҳалари фидойиларининг жўшқин меҳнат фаолияти акс эттирилган суратлар билан тўлақонли ёритилганлиги таҳсинга лойиқ. Бу лойиҳа — ҳар тарафлама манфаатли.

н азари билан муфассал очиқланиб, газетада батафсил ёритилади. Бу виллоят ҳокимлиги нашрининг шаҳар ва туманлар йўқламаси, шунинг баробарида янги муҳаррирининг ҳокимлар билан юзма-юз танишуви вазифасини ўтамоқда. Табиийки, бу икки томонлама узвий алоқа



ўрнатилишига хизмат қилади. Энг муҳими, газета обунаси яхшиланиши билан биргаликда Наманганимизнинг барча ҳудудларида ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда қилинаётган ишлар ва кенг кўламли ислохотларнинг бориши тезкор ёритилиб, оммага етказилишига, халқимизга мотивация бағишлашга хизмат қилади.

Бизнингча, ҳокимлар билан суҳбатда ўша шаҳар ёки туман ҳокимлигининг газетаси муҳаррири ҳам иштирок этса, нур устига аъло нур бўлади. Негаки ҳамкасбларимиз орасида ўз ҳокими билан елкама-елка туриш бир ёқда турсин, ҳатто учрашмайдиган, йиғилишларда қатнашмайдиганлари ҳам бор. Бу лойиҳа уларга ҳам фойдали бўлармики?

— Аввало, Президентимиз ва виллоятимиз

налистлар билан доимий алоқалар нафақат жамоатчиликни ҳолис ахборот билан таъминлайди, балки жойлардаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халққа тўғри етказишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун туман ҳокимликларининг нашрларида ҳам янгилаш, уйғониш ва ижодий фаоллик яққол сезилмоқда. Бу жараёни янада кучайтириш, маҳаллий газеталар муҳаррирларини ҳам ушбу лойиҳаларга фаол жалб этиш орқали умумий ахборот маконимиз сифатини янада юксалтиришга эришиш мумкин.

Виллоятимиз раҳбариятининг сайё-ҳаракатлари самарасида халқро даражадаги фестиваллар, анжуманлар, йирик тадбирлар ва салмоқли лойиҳалар изчил амалга оширилиб, барча соҳаларда барқарор ривожланиш кузатилмоқда. Ана шу ютуқ ва янгиликларни кенг жамоатчиликка ҳолис ва тезкор етказиш, аҳоли кайфияти ва ижтимоий руҳиятида ижобий акс эттиришда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳам масъулиятли вазифамиз бор, албатта.

— Мулоқотларда ахборот хизмати раҳбарларининг ҳам фаол иштирок этаяётгани самардорликни оширмоқда. Тажриба алмашуви, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ягона ахборот маконини шакллантириш имкониятлари янада кенгаймоқда, — деди суҳбатдошимиз. — Шу йўлда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда иш олиб боришга тайёرمىз.

Бош муҳаррир бу лойиҳани виллоятдаги бошқармалар, йирик ташкилот, корхоналар ҳамда олий таълим масканларида ҳам амалга оширишни режалаштиргани аниқ мудоаодир. “Наманган ҳақиқати”нинг деярли ҳар сонидан жой олаётган “Наманганда II уйғониш даври”, “Ортга қайтмас ислохотлар”, “Пойтахтдаги наманганликлар”, “Рақамлар ортидаги ҳаёт”, “Ишонч ва шараф”, “Ислохотлар таянчи” сингари махсус саҳифа ҳамда рунқлар остидаги материаллар муштарийни беҳиштиёр ўзига чорлаши аниқ.

“Спорт оламида”, “Жавоби изланган саволлар”, “Митти ҳикоялар” деб номланган кўнгилчотар саҳифалар эса ўқувчилар эътиборига муттасил равишда ҳавола этилаётганлиги, табиийки, ўқувчига маънавий озиқ бағишлаётгани табиий. Қолаверса, бундай материаллар доимий бериб борилиши обуначилар сафи кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Мингбулоқ тумани ҳокими Тохиржон Рапиқов газета ададини 10 мингтага етказишни режалаштирганди. 9500 нусхага етганиди, у виллоят ҳокими ўринбосари вазифасига тайинланди. Қўнларнинг бирида туманга ташрифи чоғида саломликдан сўнг: “Ака, уэр, ваъдамининг устидан чиқолмадими”, — дея қўнларини елкамага қўйганди. Бу ҳақиқий инсонгарчилик, юксак маънавият белгиси. Кошқийди, бугунги муассисларимиз ҳам у сингари бўлишса...

Ўқорида таъкидлаганимдек, газета тақдирини муассис билан муҳаррирга боғлиқ, айниқса, виллоят, шаҳар ва туман ҳокимларига. Туманимиз ҳокими Аҳрорбек Мансуров таъбири билан айтганда, энг аввало раҳбару мутахассисларни газета ўқишга, тахририятлар билан ҳамкор бўлишга ўргатишимиз керак. Бу борада “Наманган ҳақиқати” газетаси тахрирасини кенг оммалаштириш зарур. Ўтган ярим аср давомидаги тажрибаларимдан келиб чиқиб, “Газета тақдирини — муассис билан муҳаррирга ҳам боғлиқ” деган қатъий бир фикрга келганман.

Қосимжон АКБАРОВ, Мингбулоқ тумани “Мингбулоқ” газетаси муҳаррири, “Шўхрат” медали соҳиб.

Журналистика соҳасига қизиқувчи ёшлар ва ижтимоий тармоқ фаоллари иштирок этган тадбирда миллий контент, унинг қандай яратилиши, жамият тараққиётида миллийлик руҳи билан бойитилган контентларнинг муҳимлиги хусусида сўз юритилди.



Давра суҳбатида уюшманинг виллоят бўлими раиси Отабек Аслонов, “Фидойи ёшлар” телеклуби раҳбари, тажрибали тележурналист Ғуллом Султонов томонидан иштирокчиларга миллий контентнинг аҳамияти, мавзулар кўлами, халқчиллиги хусусида атрафлиқ ташуунчалар берилди.

Шунингдек, суҳбат доирасида бугунги глобаллашув даврида журналистлар олдида турган вазифалар, мавзуларни ёритишдаги ёндашув усуллари ва соҳадаги ҳуқуқий саводхонлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

МЕДИА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон Маданият марказида мамлакатимиз марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида учрашув ташкил этилди.

Учрашувни очган марказ директори Акиф Марифли икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар барча соҳаларда, жумладан, маданий-маърифий, медиа соҳаларда ривожланиб бораётганини қайд этди.



Тадбирда қатнашган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов Ўзбекистон ва Озарбайжон медиа тузилмалари ўртасида яхши ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани, Уюшма томонидан бу борадаги ишларни ривожлантириш қўллаб-қувватлашини билдирди.

Учрашув давомида икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ўртасида маълумот алмашувини ривожлантириш, ҳамкорликда янги лойиҳалар бўйича ишлаш масалалари бўйича фикр алмашилди.

“ЁДИМИЗДА, ЁНИМИЗДА”

Самарқанд виллоятининг Қўшработ туманида шоир Равшан Файз ва ижодкор журналист, ёзувчи Собир Унор хотирасига бағишланган “Ёдимизда, ёнимизда” номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда туман ҳокими Дилшод Шакарбоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Салим Ашур, Фармон Тошев, “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Ну-

рилпа Чори, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов, журналист Манзура Шамс, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Дўстбек Сулаймонов, “Шарқ юлдузи” журнали назм бўлими муdiri Ислом Али, ижодкорларнинг фарзандлари, яқинлари, туман ижодкорлари, мутасаддилар, ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.



Тадбирни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев олиб борди.

Тадбирда сўз олганлар икки ижодкорнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли, қолдирган адабий мероси, уларнинг асарларида инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат ва инсон шайнини улуғлаш ғоялари муҳим ўрин тутишини, айниқса, халқ оғзика ижодиётининг муҳим ўрин эгаллашини қайд этишди.

Хотира кечаси доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.

Тадбир якунида меҳмонларга, ижодкорларнинг фарзандларига, фаол иштирок этган иштирокчиларга туман ҳокимлиги томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

ҚАДИМИЙ ҚИШЛОҚНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Журналистика бу шунчаки ахборот улашиш эмас, балки инсонлар тақдирини ҳис қилиш ва оддий деталлардан катта мўъжиза топиш санъати ҳамдир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро виллоят бўлими томонидан Бухоро давлат университети филология факультети журналистика йўналиши талабалари учун ташкил этилган наватдаги махорат дarsi айнан шу мақсадга хизмат қилди.



Бу галги ижодий экспедиция манзили этиб Жондор туманининг ўзига хос маданий мероси ва қадимий анъаналари билан довруқ қозонган, бугунги кунда эса “Ушот” туризм қишлоғи сифатида машҳур бўлган маскан танланди.

Талабалар уч гуруҳга бўлинган ҳолда медиа материаллар тайёрлашга киришдилар. Биринчи гуруҳ асрлар давомида сақланиб келаётган тандирсозлик ҳунари сирларини ўрганди. Иккинчи гуруҳ нафис каштачилик ва сўзаначилик мактаби нафосатини қаламга олди. Учинчи гуруҳга эса қишлоқнинг туристик имкониятларини ёритиш вазифаси топширилди.

Талабалар ўртасида ҳақиқий ижодий беллашув бошланди. Улар воқеа жойидан хабар, мақола, репортаж, очерк ҳамда замонавий тренддаги “Instagram reels” ва фоторепортажлар тайёрлаш учун бор маҳоратларини ишга солдилар.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.



✓ **ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИДА**

# ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ...

## Нок тусаган кўнгил

Отаси тонга яқин кўзини очди. Хайрият, яхши томонга ўзгариш. Уч кундирки, фарзандлар йиғилган, ҳеч кимнинг тинчи йўқ, падари бузруквори ўлим билан олишмоқда. Қариллик давоси йўқ касаллик, агар кўшимча дард безовта килса, буниси орткича. “Ана узилади, мана узилади” деб ака-ука, опа-сингиллар кеча-кундуз “навбатчи”. Худонинг раҳми келди, шекилли, отаси бугун сал ўнгланди. Қаршибой ака у кишининг аҳволи-руҳиясига қараб, кайфияти кўтарилди.

— Болам, бери кел, — отаси товуши чиқарчқимас оҳангда ўғлини ёнига чақирди. — Нок егим келди, илиқузилди пайт, билмадим, борда борми-йўқми...

— Топса бўлади, ота, нок кўп-ку.

Балки, кўнгли тусаётган мевани еса, отаси оёққа туриб кетар, Аллоҳнинг мўъжизалари кўп. Ахир қон босими кўтарилди, меъёрлашса, қанчадан-қанча одамлар яшаб кетади-ку.

Қаршибой ака аввал Жаркўрган бозорига тушди. Раस्ताда нок кўрмади, анқонинг уруғи, мева сотаётганлардан сўради, елка қисиди. Балки Кумкўрган бозоридан топса бўлар.

— Ниятим холис экан. Отам раҳматлининг истагини бажо айлаш учун нархи қиммат бўлса ҳам икки кило нок харид қилдим, — деб эслади Сурхондарё вилояти Жаркўрган туманида истиқомат қилувчи отахон Қаршибой Жангиров. — Худди хазина топан кишидек уйга ҳаллослаб қайтдим. Отамнинг икки кўзи шифт узра қадалган, юз-кўзида сўлғинлик, ҳаёт нишонасини жонлантириш учун нокдан бир донасини ювиб, кўлига тутдим. Юзига табассум ёйилди: “Топиб келибсан-да, болам, умрингдан барака топ. Одам у дунёга кетар олдида ниманидир кўнгли тусар экан-да. Аллоҳ сендан рози бўлсин!” Менинг кўзимга ёш келди. Сира ҳаёлимдан кетмайди. Отам нокни кўлига олиб, у ёқ-бу ёғини айлантриб кўрди. Пўстлоғи сарғиш-қизғиш мева “мени е” дегандек ял-ял

ёнарди. Бемор отам куч тўплади-да, мевадан бир тишлади, унинг шарбати даҳани узра оқиб тушди, охиригача амаллаб тановул қилди. Енгил тортидим ва нокдан яна бир донасини узатдим. Аммо у киши бошини чайқади. Кечга яқин отамнинг жони узилди... Бир дона нок эдимми, у кишининг кўнгли тусагани эзилиб-эзилиб, тўкилиб-тўкилиб йиғладим. Сўнги манзилга кетар чоғда отамнинг дуосини олиб қолганим менга таскин беради.

Дилда армон бўлмасин, агар афсус-надомат ўртаса, ҳар бандани ўз ҳаётидан кўнгли тўлмай яшайди. Аллоҳ таолонинг розилиги биринчи уринда турса, ота-она дуосини олиш, уларни ҳаётлик чоғида сийлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳар бир инсонни бахту саодат манзилига етказиши, бу бор гап, азалий ҳақиқат.

“Ҳеч кимдан кам бўлмасин!”  
дебман-у...

1990-95 йиллар эди, янглишмасам, ҳозиргидек ижтимоий тармоқлар жамият ҳаётини иш-ғол этмаган, одамлар телевизор кўриб, радио эшитадиган замонлар. Ўзбекистон телевидениеси орқали “Тойчоқ” видеоспектакли намойиш этилди. Бош ролларни эл назарига тушган Лутфулла Саъдуллаев ва Гулчехра Саъдуллаева, Фатхулла Масъудов каби актёрлар уйнашган эди. Телеасар ғояси, сюжети фарзанд тарбиясида қаттиқ янглишган ота-онанинг афсус-надоматига бағишланган. Боланинг оғзидан чиққанини муҳайё қилиш, унга ҳаддан зиёд меҳрибонлик кўрсатиш, қийналмаслиги учун ота-онанинг ўзини ўтга-чўққа уриши кўп ҳолларда таназулга олиб келиши “Тойчоқ” видеоспектакли мазмунига чуқур сингдирилган. Эҳтимол, кадамни нотўғри ташлаб, бармоғини тишлаб ўтирган замондошларимиз спектаклда ўз қиёфасини кўришгандир. Фарзанд тарбиясида хатоликка йўл қўйганини англаб, энди уларни “қайириб” ололмаётганлар ора-



мизда йўқ дейсизми?

— Турмуш ўртоғим билан оилавий можароларимиз жуда кучайиб кетди, пичоқ бориб суюкка қадалди-ю, ажрашдик, — деди Тошкент шаҳрида яшовчи бева аёл. — Икки қиз, икки ўғлимни бировдан кам қилмай, қорнини тўқ қилиб, эғнига бренд даражасига чиққан қиммат кийим-кечак илибман. Отаси йўқ, кўнгли ўксимасин, тенгқурлари олдида мулзам бўлмасин, деб топлганими уларнинг оғзига тиқибман. Афсуски, уларни бориға шуқур, йўғига қаноат қилишга ўргатмабман. Кунда еган оч, ойда еган тўқ бўларкан, рўзғорда нимадир узилиш бўлиб қолса, энди додлаб юборишади. Энди тўртовлонни йўлга солалмаяман. Нафақат менга, ҳаттоки улар бир-бирига сапчийди. Рўзғор ишлари сансалор, тун ярмига қадар телефон титкилаш... Хуллас, тақдир мени не кўйларга солмади...

Таниш аёл йиғламсираб сўзлайди. Унга қандай таскин-тасалли беришни билмайсан, киши.

Бу юқорида зикр этилган “Тойчоқ” видеоспектакли мазмунига мос воқелик. Ота-онани рози қилиш савоб эканлигини биламиз-у, баъзида тескари ҳолатнинг рўй беришига уларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлиб қолиши ҳақида ўйлаб кўравермаймиз. Қариялар уйда истиқомат қилаётган нурунийлар ҳаётини таҳлил қилсангиз, бунга айнан уларнинг ўзлари шарт-шароит яратганини армон билан тан олишади. Хом сут эмган бандалар ғишт қолипдан кўчган пайтдагина пушаймон чекадилар. Бундай хатоликдан Аллоҳнинг Ўзи қайтарсин, Ўзи асрасин!

## Ислом динидаги муҳим ғоя

Муқаддас ислом дини ота-онага итоатда бўлиш, иззат-ҳурмат кўрсатиш ва уларнинг розилигини олишни тарғиб қилади. Қуръони каримнинг “Нисо” сураси 36-оятда “Ва Аллоҳга ибодат қилинг, Унга ҳеч нарсани ширк келтирманг ва ота-онангизга яхшилик қилинг”, дея марҳамат қилинади.

Дарҳақиқат, муқаддас ислом дини оиланинг ҳар бир аъзоси учун у лойиқ бўлган мақом ва даражани белгилаб берган. Оилада энг қадрлини лозим бўлган зот бу ота-онадир. Инсоннинг дунёга келиши Аллоҳ таолонинг ғайби ва марҳамати бўлса, ота-она зоҳирий сабабчи эканлиги барчага аён. Чортоқ туманидаги “Султон Саид” жоме масжиди имом-хатиби Лутфуллоҳ Давлатовнинг мулоҳазасини келтириб ўтамиз:

— Ҳар банданинг ота-онасига яхшилик қилиши эзгуликдан нишон. Бу ҳеч қачон уларга қарши чиқмаслик, хизматларидан бўйин товланмаслик билан ўлчанади. Донишмандлардан бири “Ота-онага яхшилик қилиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Фарзлиги сени охиратда Аллоҳ ризоси ва жаннатга киришингга сабаб бўлса, қарзлиги сенга фарзандларингдан қайтишидир”, деган экан.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам матни узун бир ҳадиснинг охирида айтганлар: “Мени ҳақ билан пайғамбар қилиб юборган

Зотга қасам. Кимга Аллоҳ таоло мол ато этса, бу молидан у ота-онасига эҳсон берса, жаннатда мен билан бирга бўлади”. Бир киши: “Ё Расулulloҳ, агар ота-онаси дунёдан ўтиб кетган бўлса-чи?” деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Уларнинг номидан садақа қилади, Қуръон ўқийди ва ҳақларига дуо қилади. Агар буларни тарк қилса, уларга оқ бўлади. Ким уларга оқ бўлса, осий бўлибди”, деб жавоб бердилар. Уламолардан бири: “Ота-онанг сенга малол келишидан хавфсираб, сенга хушомад қилиб мулойимроқ сўзлашаётган бўлишса, билгинки, сен уларга оқ бўлишни бошлабсан”, деган экан.

Ота-онага яхшилик қилиш буюк Аллоҳ таоло тарафидан амр-фармон қилинган бўлишига қарамай, бу борадаги ҳолатимиз жуда ачинарли. Баъзилар дунё ташвишлари ёки фарзандлари билан овора бўлиб, ота-онасидан кўнгли сўрашга, хизматларини қилиб, бебаҳо дуоларини олишга бефарқ, эртага, индинга деб, улар билан дийдорлашувни орқага сурадилар. Билиб олишимиз лозим бўлган бир ҳақиқат борки, дунёвий ишларимиз кўп, чеки-чегараси йўқ, лекин ота ҳам, она ҳам омонат. Ишни, шахсий ташвишларни бироз кейинга сурсак бўлади, лекин ота-онага ғамхўрлик кўрсатишда кечикмаслик энг катта савоб, чунки улар ғанимат, бугун бор, эртага бўлмаслиги мумкин.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу сўзларни эшитдим: “Хор бўлсин! Хор бўлсин! Хор бўлсин!”. “Ким у, ё Расулulloҳ”, деб сўрашди. “Ким ота-онанинг бирини ёки иккаласини қариллик чоғида топиб, уларга яхшилик қилиб жаннатий бўлиб олман бўлса”, дедилар. Қарангки, пайғамбаримиз яшаб ўтган дамларда ҳам ота-она ҳақи, ҳурмати баланд тутилган. Демак, ота-оналаримизни ҳаётлик чоғида ғанимат билиб, хизматини қилсак, дуосини олсак, вафотидан кейин тиловатимиз ва савоб амалларимиз билан доимо ёд этиб турсак, икки дунё саодатига эришамиз, иншооллоҳ!

Хулқар ТҶИМАНОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
I даражали “Меҳнат фавриси”.

✓ **ҚУТЛОВ**

## Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги

# “САДАФ СУТ”

кўп тармоқли корхонаси жамоаси



**барча юртдошларимизни**

**муборак Рамазон ойи**

**ҳамда яқинлашиб келаётган**

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни**

**билан чин юракдан муборакбод этади.**

**Ҳар бир хонадонга қут-барақа, тўкин-сочинлик, фаровонлик тилайди.**

**Азиз ватандошлар, эзгу орзу-ниятларингиз**

**амалга ошсин,**

**бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин!**

**Шу қутлуғ ва саодатли кунларда барча-барчага**

**фақат яхшиликлар тилаймиз!**

**Юртимиз тинч, она диёримиз осмони**

**ҳамиша мусаффо бўлсин!**



Хизматлар лицензияланган.

ШЕЪРИЯТ

# ТОҒЛАРНИ УЙҚУДАН УЙҒОТИБ ҚАЙТДИМ!

## (Грузия дафтари. Саирме илҳомлари)

\*\*\*  
Тоғлар, нега жимсиз?  
Дарахтлар?  
Уйку вақти тамом!  
МЕН КЕЛДИМ!!!

\*\*\*  
Тоғлар жимжит.  
Атроф сукунат.  
Тошлар гўё буюк қайғуда.  
Булулларга бошини қуйиб,  
Дарахтлар ҳам беғам уйқуда.

Шунча сокин бўладими тоғ  
Қалба вулқон отаётган пайт?  
Оғушига чўкиб оромнинг,  
Ҳаловатга топилаими вақт?

Билдим, шоир келмаган бунга,  
Бу ерларга келмаган ҳеч дард.  
Дарахтларни бир-бир силкитиб,  
Мен тоғларни уйғотишим шарт!

\*\*\*  
Дарахт бўлмоқ бахтдир ҳеч йўқса,  
Бир яхшилик нақдир ҳеч йўқса,  
Яшаш учун вақтдир ҳеч йўқса,  
Дилим, яшил япроққа айлан!

Умр — тоғда эсан бир шамол,  
Фурсат ҳам йўқ бермоққа савол,  
Вужудингга етмасдан завол,  
Ватан деган байроққа айлан!

\*\*\*  
Тоғда кезган жайроним,  
Гоҳо дили вайроним,  
Мендай жони арзоним,  
Сени олиб кетайми?

Мажнунтолдай ҳам дамим,  
Шодон дамим, ғам дамим,  
Бўлар эдинг ҳамдамим,  
Сени олиб кетайми?

Дилим лола бўлғайдир,  
Жоним жоло бўлғайдир,  
Ҳаққа нолам бўлғайдир,  
Сени олиб кетайми?

Йиғлаб қолма изимдан,  
Кўз ёш солма изимдан,  
Қараб толма изимдан,  
Сени олиб кетайми?

Юргил, дилни титармиз,  
Кунгил аро йитармиз...  
Ўтли шеърлар битармиз,  
Сени олиб кетайми?

Сени олиб кетайми?..

\* йитмоқ-йўқолмоқ, адашмоқ

\*\*\*  
Жаҳолат захрини кесгунча,  
Жоҳилнинг қаҳрини кесгунча,  
Занг босган кишани еггунча,  
Тоғларни бағримдан бермасман!

Ирмоқлар дарёсин толгунча,  
Тошларга урилиб, чопгунча,  
Ғафлатнинг кўзини ёпгунча,  
Тоғларни бағримдан бермасман!

Офтобни бошимга қуйгунча,  
Кўксимга ишқ сўзин уйгунча,  
Бу замин то Сўздан тўйгунча,  
Тоғларни бағримдан бермасман!

\*\*\*  
Бу тоғлар бир менга зормиди,  
Менингсиз нотавон, хормиди,  
Дарахтлар бўйнига дормиди,  
Мен билан тоғ бўлди бу тоғлар.

Бошида рўмоли олмиди,  
Бағрида қайғуси холмиди,  
Энди ҳам армони қолди?  
Мен билан тоғ бўлди бу тоғлар.

Изимдан эргашиб кетгудай,  
Сочимга илашиб кетгудай,  
Пойимни бир тавоф этгудай,  
Мен билан тоғ бўлди бу тоғлар!

\*\*\*  
Кўзларинг недин нам деманглар,  
Дилингда недин ғам деманглар,  
Кўнгулунда ниманг кам деманглар,  
Шу тоғлар завқига зордирман.

Тангадай кун тушмас тоғларга,  
Юмуш йўқ қаргалар, зоғларга,  
Шифо бор аламлар, доғларга,  
Мен асли осмонга ёрдырман.

Тошларнинг оҳига эш бўлдим,  
Харсанглар додига эш бўлдим,

Булутдай чайқалдим, о, тўлдим,  
Демак, мен дунёда бордырман!

\*\*\*  
Нигоҳим кўқдадир.  
Вужудим кўқда,  
Кўксимга улкан бир тоғ кирди гўё.  
Икки елкам узра кўм-кўк, ям-яшил  
Икки дарахт ўсиб чиқди, ё Худо!

Пешонамдан ўпди само оҳиста,  
Кўзларимга ботди ёруғ юлдузлар.  
Менинг ўзим ҳақда сўзлай бошлади  
Юрагимга чуқур ботган илдишлар!

\*\*\*  
Бағрида булоқлар кўз очган,  
Васфида ирмоқлар сўз очган,  
Тупроқда сўқмоқлар юз очган,  
Китобдир ҳар тоши, Саирме.

Рангларнинг номини талашган,  
Ошиқлар жонини талашган,  
Гуржининг шонини талашган,  
Ё кўзи, ё қоши Саирме.

Гулларнинг бўйида адашган,  
Кўнгулнинг кўйида адашган,  
Мухаббат ўйида адашган,  
Оҳунинг кўз ёши Саирме.

\*\*\*  
Ёзингни йиғламай қузатгил,  
Бағрингни тигламай қузатгил,  
Дилингни дилимга узатгил,  
Биз қуздан ўтармиз шон билан.

Ёмғирлар елкандан эзганда,  
Юрагинг булутдан безганда,  
Чақмоқлар жонингни узганда,  
Биз қуздан ўтармиз шон билан.

Сен бунда, мен унда ёнармиз,  
Кундузда ҳам тунда ёнармиз,  
Ишқ қайда — биз шунда ёнармиз,  
Биз қуздан ўтармиз шон билан.

Азим тоғ! Дунё шу. Ёдга сол,  
Хазонлар фаслини қарши ол,  
Ёз ўтди. Қузларда яхши қол,  
Биз қуздан ўтармиз шон билан!

Сайёра САМАНДАР

\*\*\*  
Чикмас сира ёмғир аламдан,  
Дилим ичра томади чак-чак.  
Бўғзим аро майдонга тушар,  
Сўзлар сафга тизилиб лак-лак.

Осмон айтар ғамгин қўшигин,  
Ариқларнинг тошади дарди.  
Бупоқларнинг кўзлари гирён,  
Дарахтларнинг ошади дарди.

Хўл бўлади жиққа юрагим,  
Истиффор айтади тинмасдан.  
Мен тутган соябон зор йиғлар,  
Кўнглимни олишни билмасдан.

\*\*\*  
Кўзларинг бир лаҳза юммагаил,  
Дарахтдай уйғоқ бўл, ухлама.  
Йиқилсанг, осмонга йиқилгил,  
Тупроққа қулама, қулама.

Бошингни осмонга қуй, юксал,  
Уйғоқни осмон ҳам билади.  
Курдингни, дарахтлар тун бўйи  
Тик туриб ибодат қилади.

\*\*\*  
Жисминга бир олов ўрмалар,  
Уммонлар билмайди ўчириб.  
Яхшиям, о, қандай улкан бахт! —  
Ватанин билмайди кучириб.

Омонат жонингни ховучлаб,  
Типирлар чап томон курагинг.  
Нотекис уради... оғрийди...  
Ватанин согинган юрагинг.

\*\*\*  
Тоғларда адашган кийиминг,  
Кўкси минг садпора куюгим,  
Оҳ, менинг соддадил суюгим,  
Кўзлари хайронам, хайронам,  
Юраги вайронам, вайронам.

Йўлингдан қашқирлар чиқса гоҳ,  
Бўғзингдан отилса ўтли оҳ,  
Узларин тортгайдир ўшал чоҳ,  
Ғамбодам, ғамбодам, ғамбодам,  
Дилпорам, дилпорам, дилпорам.

Тошлардан тошларга урилсанг,  
Тизангдан қон сизиб сурилсанг,



**Муаллиф ҳақида:**  
Сайёра САМАНДАР 1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Филология фанлари номзоди, доцент.  
Шоиранинг "Сизга айтолмаган сўзларим", "Кўнгул", "...Ва яна баҳор", "Озодликдек бахт йўқдир", "Фақат ишқ", "Менинг ҳақиқатларим", "Матонатли Марям қиссаси", "Менинг Отам" номли эссе-хотира китоблари нашр этилган.  
2025 йилда Озарбайжонда "Ошиқларга салом айтинг" номли шеърый тўплами нашр этилган.  
2022 йилда "Шухрат" медалига сазовор бўлган.

Дод солиб қайтадан тирилсанг,  
Оҳ, жони овворам, овворам,  
Бечорам, бечорам, бечорам.

Йиғлама, елканга терса ўқ,  
Йиқилма, қаддингни эгса ўқ,  
Яхшига омонлик йўқдир, йўқ...  
Оҳ менинг, сайронам, сайронам,  
Сайёрам, сайёрам, сайёрам...

Кўзлари гирёнам, гирёнам,  
Оҳ, менинг жайронам, жайронам...

\*\*\*  
Тоғларнинг бағрига лолалар эқдим,  
Тошларнинг юзидан артимдир гардларни.  
Бупоқлар кўзини тозалаб қўйдим,  
Сойларга оқиздим дардларни.

Булутлар чокига чечаклар тақдим,  
Кўшнинг йўлига тикладим нарвон.  
Заррин нурларини ховуч-ховучлаб,  
Замин узра ёйиб чиқдим беармон.

Дарахтлар шовуллаб қуйлай бошлади,  
Ёниб шеърлар айтдим, ёниб сўз айтдим.  
Пойида шеър ўқиб такрор ва такрор,  
Тоғларни уйқудан уйғотиб қайтдим!

2025 йил 28 август — 6 сентябрь,  
Грузия.

НАСР

Кунларнинг бирида кўқда офтоб чарақлар, мўъжаз уй ҳовлисидан ранго-ранг гуллар ял-ял ёниб, теваракка ифор таратар, осмон узра чарх уриб капалаклар учар ва жўр бўлиб қўшиқ куйлармиш.

Шамшир кўзларини очганда бурнидан яна қон сизаётганини сезиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ойи, — деди у ёнидаги каравотда ётган онасига қараб. Ҳамиша хушёр ётган Ойдин юзларига ёпишган сочларини апил-тапил йиғаркан:

— Ҳа, болам, вой, яна оқяпти-ку. Ҳозир, — дея каравоти бошида ювилган докани шартта олиб, ўғлининг бурнига тутди. Ёстиқни баландлатиб, пешонасига кафтини босди.

— Худойим-эй, ўзинг шифо бер, — деди боласининг оқариб кетган юзига қараб. Шамшир эса онасининг кўзидаги хавотирга аҳамият бермай:

— Ойи, тушимда уйимизни кўрибман, — деди деразадан ташқарига қараб.

— Янами? — деди онаси синиқ жилмайиб.

— Ҳа, уйимиз аввалгидан ҳам чиройли экан. Иккаламиз ҳовлига эккан гуллар бор эди-ку, шу гуллар чиройли очилибди. Мўъжизалар ҳаётда бўлади, дердингиз, тўғрими, ойи?

— Ойдин бир муддат ўйланиб турди. Сўнг боласини мулазам қилмаслик учун:

— Ҳа. Агар Оллоҳ истаса, мўъжизалар чинга, тушлар хушларга айланади, чирогим.

— Худди тешикни кўрмай қолган капалак ҳақидаги ҳикоянгизга ўшабми, ойи? Агар капалак яхшилаб қараса, ойнанинг очик турганини кўрарди-я?

— Ҳа, болажоним. Агар у умидини узмай ҳаракат қилганида, тирқишни кўрарди.

Ойдин ўғлининг бурнидан докани олиб, қоннинг тўхтаганини кўргач, бироз хотиржам бўлди. Кейин матони ювиш учун хонадан чиқди.

Шамшир яна уйи ҳақида ўйлаб ётди. Қандай чиройли уйи бор эди-я? Отанаси нега сотишди экан? Ҳовлисидан гуллар экканди, унга ёзда қанотлари чипор капалаклар келиб қўнишарди. Бу қанотли жониворлар гўё қўшиқ айтар, гуллар эса рақса тушарди. Қизиги, бу қўшиқни фақат Шамшир эшитарди. Капалаклар қанотларини силкитиб-силкитиб, кўкка енгил сакраб қуйлашар, гуллар бўлса гулқосаларини қимирлатиб, хидларини таратиб хиром этишарди.

Бир куни дадаси хонасига бир су-

рат келтириб, деворга илди. Расмда табиат чунон гўзал қилиб чизилгандики, Шамшир соатлаб расмга тикилиб ётар, тушларида ҳам шу манзарани кўриб чиқарди. Расмда гуллар чаман бўлиб очилган, атроф ям-яшил, олисда эса улкан тоғ кўзга ташланарди. Бу суратда, айниқса, капалакларни томоша қилиш Шамширга ёқарди. Ҳатто бир гал у дадасига:

— Дада, бу расмда нечта капалак бор, биласизми? — деди.

— Расмда капалак борми? — деди дадаси хайрон бўлиб, суратга диққат билан қараркан.

— Ҳа, учта. Мана, қаранг, биринчиси қизил гул ёнида, барг олдидаги иккинчи, анув дарахтга қараб учаяётгани учинчиси. Тагин-чи, улар улмайдиган капалаклар, дада, — деди Шамшир топагонлигидан қувониб. Дадаси қулиб юборди.

— Йўғ-э, шунақаси ҳам бўларканми? Тирик нарса борки, охири умри тугайди-да, тойчоғим. Кейин капалаклар энг қисқа умр кўрадиган жонивор.

— Йўқ, ўлмасин, дада. Гулларга кейин ким қўшиқ айтади?

— Майли, ўлмайди, доим бўлади.

— Урааа!

Ҳозир шуларни эсларкан, шундай гулзорини, расмлари бор уйини дадаси қандай кўзи қийганини тушунолмади. Балки шу ерда даволанишига ишлатишганмики? Ахир бир йилдан бери касалхонада бўлса. Афсуски, бу ердаги деворларнинг аксарияти оппоқ. Бирорта гулнинг ҳеч курси, дарахтларнинг сурати йўқ. Ўзи нимага ҳам бу жойга келиб қолишди? Ушанда тутилган кунда иссиғи чиқиб, хушидан кетганидан кейин онаси роса йиғлади, дадаси тинмай доктормларга олиб борадиган бўлди. Ҳар сафар ота-онаси хафа бўлиб қайтар, ўзи бўлса ҳолсизланиб, тезда чарчаб қолаётганини тушунмасди.

Касалхонадан ташқарига чиқмайди-ган Шамшир бу ерда жуда зерикади. Бир хил манзарадан, ҳар кунги машғуллар, укол-дорилардан юраги безилмайди. Оқ халатли ҳамширалар қанчалик яхши гапиримасин, унга юзиданги никобини ечмаслигини мулоим тайинламасин, барибир юраги сиқилади. Яхшиямки, ўзи каби болалар бор. Улар би-



ҲИКОЯ

лан ўйнайди, ёзади, ўқийди. Дарслар ҳам шу ерда ўтилади. Унга дадаси, қариндошлари олиб келадиган мазаги егуликлардан кўра, энг яхши совға расмли китоблар ва рангли қаламлар.

Айтганча, уни бу ердаги жимжитликдан, бир хилликдан расм чизишдек машғулоти сақлайди. Яқинда касалхонадаги болалар орасида ўтказилган танловда у чизган "Уй" деган расм ғолиб бўлди.

Кейин катта рассом келиб, уни ҳамманинг олдида табриқлади ва бўйига мос мольберт совға қилди. Шамшир шундай хурсанд бўлдики, катта рассом: "Исминг Шамшир экан. Бу дами ўткир қилич дегани. Сен албатта касалликни қиличдек кесиб йўқ қиласан ва катта рассом бўласан!" — дегани энди сираям эсидан чиқмайди. Ҳар эсига тушганда юраги бир орзиқлади, ўз-ўзидан жилмаяди. Ушандан буён Шамшир расмларини мольбертга қўйиб чизади.

Ҳозир ҳам чизаётган расмини давом эттириш учун ўрнидан турди. Боши айланди, ҳолсизланиб яна каравотига

чўкди. Сўнг кеча чала қолган суратига тикилди. Суратда касалхона деразаси очик турар, оқ пардалар шамолда силкинар, ташқарида эса бир сўқмоқ бор эди. У ҳали бу йўл адоғига ўз уйини чи-зиши керак. Болакай кучини тўплаб, сурат олдига келди. Қўлига ясси мўйкаламни олди.

Ойдин шифокор билан хонага кириб келганида, ўгли берилиб сурат чизаётганини кўриб, бир зум тўхтаб қолди. Шифокорга бир қараб қўйди-да, сўнг дилбандини чалғитмаслик учун секин бир чеккага бориб ўтирди. Врач ҳам сассиз ортига қайтди.

Ойдин боласининг мўйкаламни худди моҳир рассомдек тутиб расм чизишини кўриб, умиди яна чўғланди. Айни навқиронлик ёшида сочлари тўкилиб, уқпардек ранги, озгин вужуди хасталикка таслим бўлаётган фарзанди бугун ижод туйфайли ҳаётга қайтаётганини сезиб, онанинг кўзлари бахтдан намланди. "Худойим, шу мурғабимни паноҳингда асра!" деди пиҷирлаб. Ҳозир Шамшир

дунёни нутиб чизар, сўқмоқ четларига гулғунчаларни, улар устига эса капалакларни кўндиради...

\*\*\*  
Тунда яна Шамширнинг иссиғи кўтарилди. Терлаган кийимлари, ёстиғи қайта-қайта алмаштирилди. Тепасига келган навбатчи шифокор иссиқдан ловуллаб ёнаётган беморнинг танасини кўздан кечираркан, болакайнинг бармоқларида кўкариш пайдо бўлганига диққат қилди. Ойдин бу ҳолатни кўриб, лабларини тишлаганча йиғлаб юборди. Доктор ҳамшираларга тез керакли муолажаларни қилишни тайинлаб, чиқиб кетаркан, бир четда муштдек бўлиб изиллаётган онаизорни юпатди:

— Ўзингизни қўлга олинг. Сизни бу аҳволда кўрса, болангиз ҳам тушқунликка тушиши тайин.

— Доктор, тўғриси айтинг, умид борми? Биз дадаси билан ҳамма нарсига тайёризмиз, фақат рости айтинг, илтимос! Биласиз, у истеъдодли бола.

Ҳозир унинг шу кўлларидан бошқа тасаллиси йўқ. Агар у расм чизолмай қолса...

Ойдин гапиролмай йиғлаб юборди.

— Лейкоздан, одатда, 80 фоиз болалар тузалишади. Бу дегани ҳали умид бор. Яна бир яхши хабар, хозиргина марказдан суяк илиги трансплантацияси бўйича яхши хабар олди.

— Яъни, айтмоқчисизки...  
— Ҳа, яъни қон таҳлиллари орқали муносиб донор топилди. Агар текширувлар натижаси яхши чиқса, яқин кунларда ўғлингизда жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Сиз ўзингизни тутинг, муҳими, ишончли йўқотманг!

Боягина ҳароратдан базўр нафас олаётган ўғлига азоб тўла нигоҳлари билан қараркан, онанинг кўзларида умид ёлқинланди:

— Ростданми, доктор? Раҳмат сизга!  
— Ҳа, ҳали бу жажжи рассомдан умидимиз катта, — деди шифокор онанинг кўнглини кўтариб.

Уколдан сўнг тафти пасая бошлаган Шамшир энди бир маромда ухлар, одатда, тунни ором олиб эмас, азоб билан ўтказадиган Ойдин бугун касалхонанинг ёруғ деразасидан қоронғи кўчага боқиб,



**Муаллиф ҳақида:**  
Нарғиза АСАДОВА 1984 йилда Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги Гул қишлоғида туғилган.  
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти имтиёзли тамомлаб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсида ўқиган.  
Муаллифнинг "Ишқ остонаси", "Юрагимнинг сарҳадлари", "Настарин", "Аталган кунлар" ва "Mujde" (Туркия), "Helva" (Туркия), "Sabah sizgelel" (Туркия) номли шеърый ва насрий тўпламлари нашр этилган.  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

юм-юм йиғлар, Яратганга тинмай илтижо қиларди. \*\*\*

Тонг. Қуёш нурларини дераза тоқчасига ёйиб, ичкарига эмин-эркин буйлади. Туни билан ўғлининг бошида беҳаловат бўлган онани тонгга яқин уйку элтиди. Қанча ухлади, билмади. Кўзларини очганда, рутубат қўланкаси хонадан ариган, чойшаблар, жихозлар тонгги офтоб нурларига лиммо-лим эди. Ойдин уйку аралаш рўпарасидаги мольбертга беихтиёр қаради. Э воҳ! Суратда уй пайдо бўлганди. Худди ўзлари яшаган уй. Томлари яшил, боғчаси тўла гул... Боласи тушмағур қачон туриб чизди экан, сезмабдям. Ахир операциядан кейин расм столига яқинлашмаган, ҳаёт ва мамот орасидаги синволлардан мардона ўтишни уйдалаётган бир пайтда яна сурат чизиши, бу чиндан мўъжиза эди!..

Ойдин бирдан хавотир билан каравотда ётган ўғлига қаради. Шамшир энди кўлларидан мўйкаламни маҳкам сиққанча ухлаб қолган, ширин бир туш кўраётгандек жилмаяр, маъсум чеҳраси субҳидан нурларидан янада порлаб кўринар, боғина чизиб битказилган суратида эса ранг-баранг гуллар барқ урар, капалаклар тинмай қўшиқ куйларди...



## БАҲОР ТИНЧЛИК ҚЎШИҒИНИ ҚУЙЛАЙДИ

1-6

Яшариш ва янгилиниш деганлари аслида шу бўлса керак! Аммо бугун дунёга боқиб юраклар увушади. Нима бўляпти ўзи? Нима етишмайди одамзодга? Нетонки, не-не гўзал ва тарихий шаҳарлар устига бомбалар ташланмоқда? Улар осмонда қалдирғочлар эмас, қирувчи ракеталар, самолётлар учмоқда. Минглаб, ўн минглаб бегуноҳ одамлар, болалар, аёллар, қариялар нобуд бўлмоқда...

"Номинг ўқсин, уруш!" дея нола чеккан ота-боболаримиз, момоларимиз. Наҳот, яна дунё уруш олови ичида қоладиган бўлса?!

Тинчлик бўлсин, илоҳим! Урушдан бу дунё яралибдики, ҳеч ким ютган эмас. Дунё ана шу оддий ҳақиқатни қачон англаб етаркан?!

Ҳеч қачон, илоҳо, бизнинг юртдаги тинчлик, ободлик ва хотиржамликка қўз тегмасин! Осмонимиз ҳаминча мусаффо бўлсин!

Қаердаки тинчлик бор, барака бор, хотиржамлик

бор. Болаларнинг эртаси бор, шўх кулгуси бор. Ана шундай буюк бахт она Ватанимизни ҳеч қачон тарк этмасин!

...Баҳор тинчлик қўшиғини қуйлаётир. Илоҳим, дуоларимиз ижобатини берсин! Норасида гўдакларнинг кўзлари айриликдан ёшланмасин... Яна бутун ер юзи бахтиёрликдан, чексиз бахтдан шодлансин!

Ўлкамизда яна баҳор. Яна бодомлар, ўриклар гуллади. Югуриб тоғларга чиқишни истайсиз, тўлиб-жўшиб қўшиқ айтишни истайди кўнгул шу кезларда...

Юртдошим, 2026 йилнинг баҳори муборак бўлсин! Фазилатли баҳор фасли юртимизга кут-барака, янада фаровонлик, меҳр-муҳаббат, ишларимизга баракот, осойишталик олиб келсин! Бу баҳорга, айни ойлари сўлтони бўлган муборак Рамазонга етганлар бор, етмаганлар бор!

Баҳор — фасллар келинчаги, гўзаллик ва орасалик, беғуборлик ва шоду хурамлик айёми барчамизга эш бўлсин, қутлуг бўлсин!

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА.

### ЛУҚМА

## НАВБАТЛАР МУАММОСИГА ЕЧИМ БОРМИ?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк тизими фаолиятини юксалтириш, мижозларга қулай шарт-шароит яратиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, рақамли иқтисодийнинг жорий этилиши мижозларнинг ишини енгиллаштирди. Бироқ айрим ҳолатларда, айниқса, чекка туманларда жойлашган банк филиалларида хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигида муаммолар ҳалигача бартараф этилмапти.

Масалан, ойим нафақа ёшидалар. Шундай бўлса-да, тиниб-тинчимайдилар. Зеро, фақат нафақа билан рўзгор тебратиш осон эмас. Шунинг учун доимо ширин пишириқлар тайёрлаб сотадилар.

Бир куни кўпроқ буюртма бўлиб қолди. Маҳалладан имтиёзли кредит олиш учун тавсиянома беришди. Шунинг учун Сирдарё вилояти Ховос туманидаги "Халқ банки"га бордик. Тумонат одам тўпланган экан, анча туриб қолдик. Битта касса ишлаётган экан. Биз, йиғилганлар: "Бир киши улгурмапти, бундай иш жараёнида мижозлар эртанги кунга ҳам қолиб кетади", дея иш бошқарувчига мурожаат қилсак, бошқа имконияти йўқлигини билдиришди. "Бўлмаса, ўзингиз чиқиб ишланг!" деди навбат куттиш жонига текканлардан бири. Бошқарувчи ҳам одам етишмаслигиндан жаҳли чиқиб турган экан, шекилли, қўпол жавоб қайтарди.

Аҳолининг ақсарияти ўзининг кундалик ёки муҳим молиявий ишларини бажариш учун эрталабдан ишдан ёки ўқидан рухсат олиб, ёш она бўлса, болаларини ташлаб, банкка келади. Аммо айрим банк филиалларида кадрлар етишмаслиги, кассаларнинг етарли эмаслиги ёки техник носозликлар туфайли биргина ходим бир вақтнинг ўзида ўнлаб мижозларга хизмат кўрсатишга мажбур бўлади. Натижада узун навбатлар туфайли одамларнинг қимматли вақти исроф бў-

лади, ишлари битмасдан, эртанги кунини ҳам шу ишни ҳал қилиш учун йўқотмоқда.

Бундан ташқари, йўл ҳақи, вақт ва меҳнатнинг бекор сарфланиши иқтисодий жиҳатдан ҳам зарарли ҳисобланади ва бунга ҳаммининг ҳам имконияти йўқ.

Бизнингча, муаммо ҳудудларда банкларнинг тенг ривожланмаганлиги, мавжуд кадрлар сонининг аҳоли эҳтиёжига мутаносиб эмаслиги ёки эътиборсизлиги туфайлидир.

Банк кассалари сонини аҳолининг талабидан келиб чиқиб кўпайтириш, узғри сабабларга кўра ходим ишга келмаганида, ўрнини захира кадрлар билан тўлдирдиш, ишга масъулият ила ёндашиш ҳиссини кучайтириш, мижозларга яхши муомалада бўлиб, муаммоси ҳал қилинишини таъминлаш банк масъулларининг муҳим вазифаси бўлиши лозим.

Шу боис банк мутасаддилари жараёнга алоҳида эътибор бериб, муаммони бартараф этиш йўллари излашлари керак. Ҳар бир мижоз банк хизматидан кўнгли тўлиб, хурсанд бўлиб чиқиб кетишини таъминлаш давр талаби эмасми?

Кредит олишга тавсия бераётган маҳалла ушбу ишларни онлайн тарзда битказишга ёрдам берса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки қишлоқ жойларда компьютер ва интернет ҳаммадаям йўқ. Маҳаллада эса бундай имконият мавжуд. Шу иш билан шуғулланган мутахассис ҳам бор. Ахир банк хизматлари сифатини янада ошириш аҳоли ишончини мустаҳкамлайдиган омиллардан биридир.

Маржона МУСТАФОЕВА,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети 1-босқич талабаси.

### ҚУТЛОВ

**TuronBank**



8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni muborak!

Muhtaram va aziz opa-singillar!

Sizlarni bahorning eng go'zal ayyomi — 8-mart Xalqaro xotin-qizlar kuni bilan TuronBank jamoasi nomidan samimiy muborakbod etamiz.

Bugungi kunda mamlakatimizda xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularning iqtisodiy faolligini oshirish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, rahbarlik va yetakchilik salohiyatini ro'yobga chiqarish borasida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmog'da. TuronBank ham ushbu ezgu maqsadlar yo'lida ayollarni qo'llab-quvvatlash, ularning moliyaviy mustaqilligini mustahkamlash va yangi imkoniyatlar yaratishga alohida e'tibor qaratib kelmoqda.

Sizlarning professional yutuqlaringiz, jamiyat hayotidagi faol ishtirokingiz va yuksak mas'uliyatingiz har qanday e'tirofga loyiqdir.

Aziz va muhtarama ayollar!

Sizlarga mustahkam sog'lik, oilaviy baxt, qalb osoyishtaligi, ishlaringizda ulkan muvaffaqiyatlar va yorqin kelajak tilaymiz. Bahoriy kayfiyat va ilhom doimo hamrohingiz bo'lsin!

Bayramingiz muborak bo'lsin!

Hurmat bilan,  
"TuronBank" ATB jamoasi

### ВОКЕИЙ

## ТЎН

— Қирқ йил савдонинг номини еган Саидқул мудирнинг жанозасида ажабтовур воқеа содир бўлди, — дея сўз берди қўшиқчи Норбой бобо. — Барча расм-русумлар адо этилиб бўлгач, кимдир: "Марҳумнинг тўнини олиб келинлар, тобутнинг устига ёпайлик", — дея товуш берди. Ўғилларидан бири хотин-халажлар турган уйга илоам кирди-ю, анча фурсат ўтгач, юз-кўзи қизариб, қуруқ қўл билан ташқарига чиқди. Ана шунда эндигина уйлانганига икки кун ҳам бўлмаган маҳалладаш йиғит устидаги яп-янги кўвлик тўнини ечиб, тобутнинг устига ташлади.

Қабристонга борар эканмиз, ҳамроҳларимдан кимдир ҳам ачиниш ҳам куяниб деди:

— Эҳ, умр бўйи саводода юрибди-ю, битта чопонни сандиққа солиб қўйиши эсига келмабди-да... Қолаверса, анави кўвлик тўнини тобутга ташлагани йиғитнинг отасини Саидқул мудир бир замонлар тўхмат билан қаматганди...

Ҳа, бу чархи дунинг ажабтовур ишлари бор экан-да...

## ТАҚДИР

Бозордан тугун кўтариб қайтаётган Тошқул бобога Салим қассоб ҳазил аралаш сўз қотди:

— Ҳа, отахон, тугун каттагина-ку, кампирингизга янги сарполар олибсиз чоғи?..


— Йўқ, Салимбой, бу ўзимга кафалик, қолаверса, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди...

— Ундай деманг, отам, ҳали доғ-сиз, мана, мен элликка қирган бўлсам ҳам, ҳатто ва матоҳнинг номини тилга олишга ҳам қўрқман...

Во ажабо! Орадан бир ҳафта ҳам ўтмай, Салим қассобнинг бандлик қилганини эшитган Тошқул бобо аввалига ҳайратдан лол қолди ва сўнгги ёдига қассобнинг "тилга олишга ҳам қўрқман", деган сўзлари келиб: "Е, тавба!" деб юборди...

Ўролбой ҚОБИЛ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси.

### РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

**Hurriyat**  
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир  
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда. Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (71) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4572  
Буюртма — Г-244

Топширилиш вақти — 21<sup>00</sup>  
Топширилди — 00<sup>45</sup>



Обуна индекси:  
якка  
обуначилар ва  
ташқилотлар  
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Й.Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.  
Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5 6